

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



**“МУСИҚА САНЪАТИ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ИЛГОР
ТАЖРИБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ” МОДУЛИ БЎЙИЧА**

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А



Тузувчи: *п.ф.н. М.Ахмедов*

Тошкент – 2014

МУНДАРИЖА

ИШЧИ ДАСТУР	3
ТАҚВИМ МАВЗУИЙ РЕЖА	9
ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ	10
МАЪРУЗА МАТНИ	22
ТЕСТ САВОЛЛАРИ	51
НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.....	52
МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ	54
МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР.....	55
ГЛОССАРИЙ.....	56
ДИДАКТИК ВА КЎРГАЗМАЛИ МАТЕРИАЛЛАР.....	60
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	66

ИШЧИ ДАСТУР

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Муסיқа санъати фанларини ўқитишда илғор тажрибалардан фойдаланиш” модулининг мақсади:

- Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларни такомиллаштиришни мақсад қилади.

- Олий таълим тизими педагогларининг касбий мутахассисликни эгаллаган бўлиши, давлат талабларини билишини, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг технологияларини билиши ва амалда қўллаш олиши, тингловчи шахси ва унинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндашувга эришуви ва олий таълим тизимида муоммалари таълим ҳамкорлик технологияларидан ва таълимнинг интерфаол усулларини қўллаш олиши, ахборот коммуникацион технологиялардан самарали фойдалана олишга ўргатиш дастурини асосий мақсадини белгилайди.

- Тингловчиларда муסיқа санъати фанларида рўй бераётган ўзгаришлар ва инновациялар, педагогик инновацияларни жорий этиш орқали фан ўқитилишини такомиллаштириш, муסיқа санъатида педагогик инновациялардан фойдаланишнинг самарадорлиги ва ижобий натижалари, фан ўқитилишида янги методлардан фойдаланиш ҳамда таълим тизимини бойитиш, шунингдек, Олий таълимнинг давлат стандартлари ҳақида билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш.

Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

“Муסיқа санъати фанларини ўқитишда илғор тажрибалардан фойдаланиш” модул бўйича билим, кўникма ва малакаларга қўйиладиган талаблар куйидагилардан иборат:

Тингловчи:

- муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси инновациялари;
- муסיқа санъати фанини ўқитишда замонавий техника ва технологияларга асосланган машқ ва тренинглардан фойдаланиш йўналишлари;
- республикада ушбу соҳада олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ва уларнинг натижаларини **билиши** керак.

Тингловчи:

- муסיқа санъати фанларини ўқитиш методикаси инновацияларидан фойдаланиш;

- муסיқа санъати фанларини ўқитишда маданият ва санъат менежментидан фойдаланиш;
- республикада ушбу соҳада олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ва уларнинг натижаларидан ижобий фойдаланиш;
- муסיқа санъати фанини ўқитишда замонавий техника ва технологияларга асосланган машқ ва тренинглардан фойдаланиш;
- таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режасидаги умуммктахассислик ва мутахассислик модулларининг барча соҳалари: Бадиий жамоалар билан ишлаш услубиёти инновациялари, Номоддий маданий мерос фанининг ривожланиш тенденциялари, Маданият ва санъат муассасаларининг долзарб масалалари, Муסיқа санъати фанларини ўқитишда “Устоз-шогирда анъаналари” модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар муסיқа санъати фанларини ўқитишда илғор тажрибалардан фойдаланишга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимооти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юклараси, соат					Мустақил таълим
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юклараси				
			жами	жумладан			
			Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот		
1.	Муסיқа санъати фанларида рўй бераётган инновациялар. Фан ўқитилишини такомиллаштириш.	2	2	2			
2.	Муסיқа санъатида содир бўлаётган ўзгаришлар ва уларнинг ижобий натижаларидан фойдаланиш усуллари. Педагогик мулоқот ва унинг тузилиши.	4	2		2	2	
3.	Янги усул ва услубларни кашф этилиши. Анъанавий таълим тизимининг илғор тажрибалар асосида бойиши ва модернизациялашиши. Кўргазмали куроллардан фойдаланиш услублари	2	2			2	
	Жами:	8	6	2	2	2	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**Мавзу. Муסיқа санъати фанларида рўй бераётган инновациялар. Фан ўқитилишини такомиллаштириш**

Режа:

1. Муסיқа ўқитишида инновацион технологияларнинг вужудга келиши ва ривожланиши.
2. Мустиқиллик шароитида кадрлар тайёрлашнинг миллий моделини рўёбга чиқариш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш босқичлари.
3. Таълим тизими ва таълим турлари. Таълим тамойиллари.
4. Муסיқа таълимида замонавий стратегиялар.

Ижодий индивидуалликни характерлайдиган самарали ўз-ўзини англаш кўйидагиларни қамраб олади: ўзини бошқаларга қиёс қилиш асосида ўз шахсининг бетакрор эканлигини англай олиши; ўзи тўғрисидаги креатив кўринишлар ва тасавурлари тўплами; индивидуал креатив ўзига хосликларнинг бир бутунлиги ва уйғунлиги, ички бирлиги; шахсининг ўз ривожланишидаги динамиклик ва доимийлик жараёни ва унинг ижодкор сифатида шаклланиши; шахс ўзини намоён қила олиши ва ўзининг муайян ишларни амалга оширишга ҳозир турганлиги; ижодкор сифатида ўзини бахшида қила олиши ва шахсий ҳамда ижтимоий вазиятларда ўзининг ўрнини англай олиши (В.А.Сластенин).

Инновацион фаолият тузилмаси таҳлилида акмеологик ёндашув ўқитувчининг касбий маҳорати чўққиларига эришувида унинг шахси ривожланиш қонуниятларини очиш имконини беради.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**Мавзу. Муסיқа санъатида содир бўлаётган ўзгаришлар ва уларнинг ижобий натижаларидан фойдаланиш усуллари. Педагогик мулоқот ва унинг тузилиши**

Режа:

1. Муסיқа ўқитилишига инновацион ёндашувлар.
2. Муסיқа педгогикаси умумий педагогика фанининг ажралмас қисми сифатида.
3. Инсон тафаккурининг ривожланишида муסיқа санъатининг тутган ўрни.
4. Муסיкий тарбияни амалга оширишнинг педагогик шарт-шароитлари.

Муסיқа ўқитилишида инновацион ёндашувлар ўқитувчининг инновацион фаолияти билан боғлиқ ҳолда технологик ёндашувни талаб этади. Муסיқий нота муҳаррирлари тестлар учун ишлаб чиқилган “авралия” дастурлари, интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда ташкил этилиши назарда тутилади. Муסיқий педагогиканинг асосий тушунчалари дидактик тамойиллари ўқитиш услубиётининг ажралмас қисми сифатида амалиётда қўлланилиши ўқитиш самарадорлиги оширишнинг асосий васиталари. Муסיқий тарбияни амалга оширишда педагогик шарт-шароитлар сифатида инновацион фаолият турларидан фойдаланиш асосий ўрин тутди.

КЎЧМА МАШҒУЛОТ

Мавзу: Янги усул ва услубларни кашф этилиши. Анъанавий таълим тизимининг илғор тажрибалар асосида бойиши ва модернизациялашиши. Кўргазмали қуроллардан фойдаланиш услублари

Ўзбекистон давлат консерваториясида янги усул ва услубларнинг қўлланилиши илғор тажрибалар асосида модернизациялашиши ҳамда кўргазмали қуроллардан фойдаланиш услубларидан фойдаланиш. Тингловчилар ЎзДК музейи, фонотека, ахборот-ресурс маркази билан яқиндан танишадилар.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Узлуксиз таълим тизимининг турлари ўртасидаги узвийлик ва изчиллик.
2. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидаги тайёрлов йўналишларини эътиборга олган ҳолда муסיқани ўқитишда мақсадга мувофиқликни амалга ошириш.
3. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидаги тайёрлов йўналишлари ва уларнинг олий таълим муассасалари билан узвийлиги.
4. Ўқувчиларни касбга йўналтириш ва дастлабки касбий тайёргарлигини амалга ошириш.
4. Муסיқани ўқитиш жараёнида ўқувчиларни касбга йўллаш методикаси.
5. Муסיқани ўқитишда дидактик материалларни ишлаб чиқиш технологияси
6. Таълим-тарбия жараёнида дидактик материаллардан фойдаланиш юзасидан методик билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш.
7. Муסיқий таълим жараёнига инновацион технологияларни жорий қилиш

8. Муסיқа санъатининг ўзига хос хусусияти ва унга қўйилган замонавий талаблар.
9. Таълим-тарбия жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш методикаси.
10. Муסיқа ўқитилишига инновацион ёндашувлар.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
- 1.2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. – 9-сон.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

- 2.1. Ўзбекистонда миллий рақс ва хорография санъатини ривожлантириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 1997 йил 9 январь // Ўзбекистон Президентининг Фармонлари. 4. – Тошкент: Адолат, 2000.
- 2.2. Ўзбекистон Бадиий академиясини ташкил этиш ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Халқ сўзи. 1997 йил 27 февраль.
- 2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533 сонли қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари

- 3.1. “Жаҳон адабиёти” журналининг ташкил этиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори. 1997 йил 27 февраль // Халқ сўзи. 1997 йил 1 март.
- 3.2. Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори. 2012 йил 26 сентябрь // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2012 йил, 39-сон.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

- 4.1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
- 4.2. Каримов И.А. Ўзбекистон Ислон цивилизацияси ривожига қўшган хиссаси. Халқаро илмий-амалий конференциядаги сўзи. «Халқ сўзи», 2007 йил 15 август.
- 4.3. Каримов И.А. Ўзбек халқининг ислон маданияти ривожига қўшган беқиёс хиссасининг юксак эътирофи. Президент И.Каримовнинг «Туркистон

– пресс» нодавлат ахборот агентлиги муҳбирига берган интервьюси. «Халқ сўзи» газ. 2007 йил 23 февраль.

4.4. Каримов И.А. Истиклол ва маънавият. – Тошкент: 1994.

4.5. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз – келажак йўқ. – Тошкент: 1998.

V. Дарслиklar, Ўқув қўлланмалар... (алифбо тартибида)

5.1 Ангеловски К. Учителя и инновации – М., 1991.

5.2. Антипов В.В., Сосновский Б.А., Психологические механизмы дезадаптации и адаптации к меняющимся социальным условиям. Психология человека в условиях социальной нестабильности – М., 1994.

5.3. Анцыферова Л.И. Психология повседневности, жизненный мир личности и техники её бытия. Психологический журнал, Т. 14, 1993.

5.6. Ангеловски К. Учителя и инновации – М., 1991.

5.7. Бердяев Н.А., Смысл творчества, философия творчества, культура и искусство – М. 1994-Т.1

5.8. Боговленский Д.Б., Творческая личность: её диагностика и поддержка. Психологическая служба ВУЗа: Принципы, опыт работа. М. 1993.

5.9. Бургин М.С., Инновации и новизна в педагогике. Советская педагогика. – 1989 - №12.

5.10. Боткин Д. и др. Инновационное обучение, микроэлектроника и интуиция перспективы. Вопросы образования – Париж 1983.

5.11. Дудченко В.С., Инновационная игра как метод исследования и развития органов. М. 1982.

5.12. Захарова Л.Н., Психологическая подготовка педагога – Нижний Новгород. 1993.

VI. Интернет сайтлари

6.1. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme www.lugat.uz, www.glossaiy.uz

6.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz

6.3. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz

6.4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: www.uz

6.5. Infocom. Uz электрон журналы: www.infocom.uz

6.6. Ziyonet

6.7. <http://www.uzbekteatr.skm.uz>

ТАҚВИМ МАВЗУИЙ РЕЖА

№	Мавзулар	Машғулот тури	Соати	Ўтказилиш муддати
1.	Муסיқа санъати фанларида рўй бераётган инновациялар. Фан ўқитилишини такомиллаштириш.	маъруза	2	Ойнинг 2- ҳафтаси
2.	Муסיқа санъатида содир бўлаётган ўзгаришлар ва уларнинг ижобий натижаларидан фойдаланиш усуллари. Педагогик мулоқот ва унинг тузилиши.	амалий	2	Ойнинг 3- ҳафтаси
3.	Янги усул ва услубларни кашф этилиши. Анъанавий таълим тизимининг илғор тажрибалар асосида бойиши ва модернизациялашиши. Кўргазмали қуроллардан фойдаланиш услублари	кўчма машғулот	2	Ойнинг 3- ҳафтаси
4.	Муסיқа санъати фанларига қўйилган замонавий талаблар. Муסיқа дарсларида жараёнида ўқитувчининг педагогик маҳорати	Мустақил таълим	2	Ойнинг 4- ҳафтаси

ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

1-мавзу

Муסיқа санъати фанларида рўй бераётган
инновациялар. Фан ўқитилишини
такомиллаштириш.

(маъруза – 2 соат)

Маъруза машғулотининг таълим технологияси модели

Вақти – 2 соат	Тингловчилар сони: 15-30 та
<i>Машғулот тури</i>	Маъруза (ахборотли)
<i>Маъруза режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Муסיқа ўқитишда инновацион технологияларнинг вужудга келиши ва ривожланиши. 2. Мустақиллик шароитида кадрлар тайёрлашнинг миллий моделини рўёбга чиқариш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш босқичлари. 3. Таълим тизими ва таълим турлари. Таълим тамойиллари. 4. Муסיқа таълимида замонавий стратегиялар.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Муסיқа санъати фанларида рўй бераётган инновациялар. Фан ўқитилишини такомиллаштириш ва чуқурлаштиришдан иборат.	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
<ul style="list-style-type: none"> • муסיқа ўқитишда инновацион технологияларнинг вужудга келиши ва ривожланишини очиб бериш; • мустақиллик шароитида кадрлар тайёрлашнинг миллий моделини рўёбга чиқариш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш босқичлари билан таништириш; • таълим тизими ва таълим турлари, таълим тамойиллари таснифини бериш; • муסיқа таълимида замонавий стратегиялар билан таништириш. 	<ul style="list-style-type: none"> • муסיқа ўқитишда инновацион технологияларнинг вужудга келиши ва ривожланишини тартибли равишда очиб берадилар; • мустақиллик шароитида кадрлар тайёрлашнинг миллий моделини рўёбга чиқариш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш босқичларини таснифлайдилар; • таълим тизими ва таълим турлари, таълим тамойиллари таснифини берадилар; • муסיқа таълимида замонавий стратегияларни кўрсатиб берадилар.
<i>Ўқитиш усуллари</i>	Маъруза, ақлий ҳужум, суҳбат,
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар
<i>Ўқитиш шартлари</i>	Техник воситалар, компьютер ва видеопроектор билан таъминланган, гуруҳлар билан ишлаш учун мўлжалланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: савол ва жавоблар Ёзма сўров: реферат, тест ва бошқ.

Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Ишлар босқичи ва мазмуни	Фаолият мазмуни	
	таълим берувчи	таълим олувчи
1-босқич. Тайёргарлик босқичи	<p>1.1. Мавзу бўйича машғулот мазмуни тайёрлайди.</p> <p>1.2. Ахборот визуал маъруза учун тақдимот слайдларини тайёрлайди.</p> <p>1.3. Ўқув модулини ўргатишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати тайёрлайди.</p>	
2-босқич. Кириш (10 дақиқа.)	<p>2.1. Ўқув модулининг номини эълон қилади. Фан бўйича умумий тасаввур келтиради. Ишнинг методологик ва ташкилий хусусиятларини ёритиб беради.</p> <p>2.2. Мавзулар рўйхатини келтиради ва уларга қисқача тавсиф беради. Асосий адабиётлар рўйхатини беради ва шарҳлайди.</p> <p>2.3. Машғулот мавзуси, мақсади, вазифалари ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради.</p> <p>2.4. Тингловчиларни ақлий ҳужумга тортиш учун шу мавзу бўйича жонлантирувчи саволлар беради. (Илова)</p>	<p>2.1. Тинглайдилар</p> <p>2.2. Тинглайдилар.</p> <p>2.3. Ёзиб оладилар.</p> <p>2.4. Саволларга жавоб берадилар.</p>
3-босқич. Асосий қисм (60 дақиқа)	<p>3.1. Маъруза режасининг барча саволлари бўйича визуал материални намойиш қилади.</p> <p>3.2. Мавзунинг таянч иборалари, асосий жойларини ёзиб олишларини сўрайди..</p> <p>3.3. Муסיқа ўқитишда инновацияларга бўлган эҳтиёж. Педагогик инновацияларнинг пайдо бўлиши бўйича тингловчилар билан суҳбат уюштиради.</p> <p>3.4. Тингловчилар жавобини шарҳлайди, хулосаларга эътибор беради, аниқлик киритади.</p> <p>3.5. Тингловчиларга мавзу бўйича слайдларни намойиш қилади</p> <p>3.6. Тингловчиларни кичик гуруҳларга ажратиб тренинг ўтказди..</p>	<p>3.1. Тинглайдилар, ўрганадилар, ёзадилар, аниқлайдилар, саволлар берадилар.</p> <p>3.2. Ҳар бир таянч тушунча муҳокама қиладилар. Ёзадилар.</p> <p>3.3. Фикрларини баён қиладилар.</p> <p>3.4. Муҳокамада иштирок этадилар.</p> <p>3.5. Тинглайдилар.</p> <p>3.6. Тингловчилар тренингда иштирок этадилар</p>
4 босқич. Яқун яшаш (10 дақиқа)	<p>4.1. Олинган ахборотларни умумлаштиради ва шарҳлайди. Пайдо бўлган саволларга жавоб беради, муҳим қўшимча ахборотни беради.</p> <p>4.2. Машғулотни яқунлайди. Топшириқлар беради.</p>	<p>4.1. Тинглайдилар. Савол берадилар.</p> <p>4.2. Топшириқларни оладилар.</p>

Дарсда қўлланиладиган “Ақлий ҳужум” усули

Ақлий ҳужум (брейнстроминг-ақллар тўзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жамоавий юзага келтириш.

Ақлий ҳужум ва масалани ечиш босқичлари

1. Мустақил фикрланг хаёлингизга келган барча ғоя, фикрларни қоғозга ёзинг.
2. Барча ғоя ва фикрларни ёзинг, агар улар такрорланаётган бўлса, махсус белги қўйинг.
3. Ғояларни баҳоланг.
4. Энг мақбул ғоя гуруҳ ғояси сифатида шакллантиради.
5. Барча ёзилган ғоялар гуруҳ муаммосини ечиш учун гуруҳлаштириш мумкин.
6. Гуруҳнинг умумий жавоби шакллантирилади.

Саволлар:

1. Муסיқа ўқитишда инновацион технологияларнинг вужудга келиши ва ривожланиши.
2. Мустақиллик шароитида кадрлар тайёрлашнинг миллий моделини рўёбга чиқариш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш босқичлари.
3. Таълим тизими ва таълим турлари. Таълим тамойиллари.
4. Муסיқа таълимида замонавий стратегиялар

Дарсда қўлланиладиган “Инсерт усули”

Инсерт - самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан таълим олувчига вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.


Матнни белгилаш тизими

- (v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.
 (+) – янги маълумот.
 (-) – мен билган нарсага зид.
 (?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?
Инновацион технологияларнинг хусусиятлари				
Инновацияларнинг пайдо бўлиши				
Ўқитувчи инновацион фаолияти тузилмаси				
Муסיқа таълимига қўйилган талаблар				
Педагогик инновацияга таъриф				
Инновацион технологиялардан фойдаланиш йўллари				
Инновацион технологияларнинг самарадорлиги				

1-слайд



Иновацион жараён

бу педагогик янгиликлар, бу
янгиликларни педагогик
ҳамжамият томонидан
ўзлаштирилиши ва улардан
илмий асосда амалиётда
самарали фойдаланишнинг
ўзгариб боровчи
яхлитлигидир

2-мавзу	Муסיқа санъатида содир бўлаётган ўзгаришлар ва уларнинг ижобий натижаларидан фойдаланиш усуллари. Педагогик мулоқот ва унинг тузилиши
----------------	--

(амалий машғулот – 2 соат)

Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчининг	Тингловчининг
1-босқич. Кириш (5 дақиқа)	<p>1.1.Амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади, кўзланаётган натижалар ва уни ўтказиш режасини маълум қилади. Баҳолаш мезонлари билан таништиради.</p> <p>1.2. Амалий машғулот барча тингловчилар Муסיқа санъатида содир бўлаётган ўзгаришлар ва уларнинг ижобий натижалари ҳақида маълумотларни эълон қилади.</p>	Дикқат билан тинглайдилар, ёзиб оладилар.
2-босқич. Асосий (65 дақиқа)	<p>2.1. Билимларни фаоллаштириш учун дикқатни жалб қилувчи саволлар беради:</p> <p>1. Муסיқа ўқитилишига инновацион ёндашувлар.</p> <p>2. Муסיқа педгогикаси умумий педагогика фанининг ажралмас қисми сифатида.</p> <p>3. Инсон тафаккурининг ривожланишида муסיқа санъатининг тутган ўрни.</p> <p>4. Муסיқий тарбияни амалга оширишнинг педагогик шарт-шароитлари.</p> <p>5. Муסיқа санъати фанларига қўйилган замонавий талаблар юзасидан Инсерт жадвали асосида назорат ўтказилади.</p> <p>2.2.Тингловчиларга тарқатма материалларни тарқатади. Сибелиус дастури орқали машғулотлар бажаришни таклиф қилади.</p> <p>Тингловчилар топшириқларни бажариш жараёнида маслаҳатчи, ҳар бир тингловчининг саволига жавоб беради.</p> <p>Агар умумий саволлар пайдо бўлса ўзининг компютерида ушбу амални бажариб проектор орқали намойиш қилади.</p> <p>2.3. Бажарилган топшириқларни текширади.</p> <p>2.4. Тингловчиларга индивидуал тарзда “Сибелиус” дастурида бажариши учун Нота матнинини яратиш вазифасини беради.</p> <p>Тингловчилар яратилган ноталарини Миди эксортини яратади, маслаҳатчи, йўлантирувчи сифатида фаолият юритади.</p> <p>Маслаҳатчи ўқитувчи машғулотни бажариш вақти тугаши ҳақида эълон қилади. Ихтиёрий тарзда</p>	<p>Саволларга жавоб берадилар.</p> <p>Топшириқларни бажаришади, саволлар беришади.</p> <p>Тинглашади.</p> <p>Топшириқларни бажаришади, саволлар беришади.</p> <p>Тинглашади, аниқлаштирадилар.</p>

	<p>иккита тингловчининг бажарилган топшириқни текширади ва изоҳлайди.</p> <p>2.5. Доскада тингловчилар бажарган топшириғи презентация орқали намойиш қилинади. Тингловчиларга топшириқ натижаларини флешкага кўчириб олишларини таклиф қилади.</p>	
3-босқич. Яқуний (10 мин.)	<p>3.1. Ўқув фаолияти натижаларига яқун ясайди. Топшириқларни тўғри ва тўлиқ бажарган Тингловчиларни баҳолайди.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун вазифа беради: Нота матнларини тақдимотини тайёрлаш вазифаси берилади.</p>	Тинглайдилар, аниқлаштирадилар, вазифани ёзиб оладилар

Кўргазмали материаллар

1-слайд



2-слайд




Т.А.Боровик (Магнитогорск консерваторияси)

Коллектив фаолият


- Куйлаш
- Ритмодекламация
- Болалар муסיқий чолғу асбобларида ижро
- Рақс
- Муסיқа остида импровизациялашган ҳаракатлар
- Шеър ва эртақларни овозлаштириш
- Пантомима
- Импровизациялашган театрализация



5-Слайд




6-Слайд



Асбоблар панели


	- файл (янги партитура) яратиш;
	- Файл очиш;
	- файлни дискда саклаш;
	- аудио экспорти. Сиз теган ноталар овозли файл (wav) кўринишида сакланади. Бу буйруқ фақат Kontakt Player™, иловаси ўрнатилган бўлсагина ишлайди.
	- ноталарни нашрга чиқариш;
	- партитурада bajarилган амалларни бекор қилиш, орқага қайтариш белгиси;
	- Экрандаги тасвир кўламини. Бу тугма босилган пайтда сичқонча курсори лупа кўринишини олади. Сичқончадаги чап тугма босилса тасвир кўламини катталашади, ўнг тугма босилганда эса кичиклашади. Ушбу тугмача иши унинг ўзини ёки Esc клавишини босиш орқали тўхатилади;
<input type="text" value="75%"/>	Кўлаим индикатори (фақат партитура билан ишлашда ҳаракатга келади, агар биронта ҳам файл очилмаган бўлса, индикатор қўл ранг тус бериб туради);
	- Нота йўлига диққатни тўплаш. Ушбу тугмача босилган пайтда фақат сиз ишлайтган нота йўллари (бир қанча ёки битта нота йўли) қолади. Бошқалари эса вақтинча кўз олдинидан гойиб бўлиб, тугмачани қайта босмагунингича экран бўшлигини саклаб туради.
	- Партитурани кўчириш (транспорт). Кўчирилаётган чолгулар (in B кларнет, in F туба) кабиларнинг партитурадаги тоналликларларни тўғри тасвирлаш учун кўлланилади.
<input type="text" value="Full Score"/>	- Асосий партитура ва чолгулар партиалари ораликларини қайтаран улаш (биронта ҳам файл очилмаган ҳолатда элемент қўл ранг тус бериб туради);
	- Қанчалик қайрон қоларли бўлмасин ўшанинг ўзи, фақат, битта тугмача билан.
	- Экранга Sibelius маълумотномасини чиқариш. Балки сиз умдан растур билан ишлаш мақида анча қанг ва аниқ маълумот оларсин. Лекин, фақат инглиз тилида.


Кўчувчи ойналар



Навигатор

Рақамли клавиатура






Ижро ойнаси


Кўчувчи ойналар

○


Навигатор




Рақамли клавиатура



Ижро ойнаси



КЎЧМА МАШҒУЛОТ



МАЪРУЗА МАТНИ

1-мавзу: Муסיқа санъати фанларида рўй бераётган инновациялар. Фан ўқитилишини такомиллаштириш

Режа:

1.Муסיқа ўқитишида инновацион технологияларнинг вужудга келиши ва ривожланиши.

2.Мустақиллик шароитида кадрлар тайёрлашнинг миллий моделини рўёбга чиқариш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш босқичлари.


3. Таълим тизими ва таълим турлари. Таълим тамойиллари.

4. Муסיқа таълимида замонавий стратегиялар.

Таянч тушунчалар: инновация, хусусий янгилик, диагностика, қолипштириш, ўқитувчининг инновацион фаолияти, аксиология, акмеология, креативлик, рефлексия.

Инновация (инглизча innovation) - янгилик киритиш, янгиликдир.

А.И.Пригожин **инновация** деганда муайян ижтимоий бирликка - ташкилот, аҳоли, жамият, гуруҳга янги, нисбатан турғун унсурларни киритиб борувчи мақсадга мувофиқ ўзгаришларни тушунади. Бу инноватор фаолиятидир.



Тадқиқотчилар (А.И. Пригожин, Б.В. Сазонов, В.С. Толстой, А.Г.Кругликов, А.С.Ахиезер, Н.П.Степанов ва бошқалар) инновацион жараёнлар таркибий қисмларини ўрганишнинг икки ёндашувини ажратадилар: *янгиликнинг индивидуал микросатҳи ва алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларни ўзаро таъсири микросатҳи.*

Биринчи ёндашувда ҳаётга жорий этилган қандайдир янги ғоя ёритилади.

Иккинчи ёндашувда алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларнинг ўзаро таъсири, уларнинг бирлиги, рақобати ва оқибат натижада бирининг ўрнини иккинчиси эгаллашдир.

Олимлар инновацион жараён микротузилмасини таҳлил қилишда ҳаётнинг даврийлиги концепциясини фарқлайдилар.

Бу концепция янгилик киритишга нисбатан ўлчанадиган жараён эканлигидан келиб чиқади.

Педагогикага оид адабиётларда инновация жараёни схемаси берилади. У куйидаги босқичларни қамраб олади:

1. *Янги ғоя тугилиши ёки янгилик концепциясини пайдо қилиш босқичи, у кашфиёт босқичи деб ҳам юритилади.*
2. *Ихтиро қилиш, яъни янгилик яратиш босқичи.*
3. *Яратилган янгиликни амалда қўллай билиш босқичи.*
4. *Янгиликни ёйиш, уни кенг тадбиқ этиш босқичи.*
5. *Муайян соҳада янгиликнинг ҳукмронлик қилиш босқичи. Бу босқичда янгилик ўзининг янгилигини йўқотади, унинг самара берадиган муқобили пайдо бўлади.*
6. *Янги муқобиллик асосида, алмаштириш орқали янгиликнинг қўлланиш доирасини қисқартириш босқичи.*

В.А.Сластенин янгилик киритишни мақсадга мувофиқ йўналтирилган янгилик яратиш, кенг ёйиш ва фойдаланиш жараёни мажмуи, унинг мақсади инсонларнинг эҳтиёжи ва интилишларини янги воситалар билан қондириш деб билади.

Янгилик киритишнинг тизимли концепцияси муаллифлари (А.И.Пригожин, Б.В.Сазонов, В.С. Толстой) инновацион жараёнларнинг икки муҳим шаклини фарқлайдилар.

Биринчи шаклга янгилик киритишни оддий ишлаб чиқиш киритилади. Бу илк бор маҳсулот ўзлаштирган ташкилотларга тааллуқлидир.

Иккинчи шаклга янгиликни кенг қўламда ишлаб чиқиш тааллуқлидир.

Янгилик киритиш ҳам ички мантқиқ, ҳам вақтга нисбатан қонуний ривожланган ва унинг атроф-муҳитга ўзаро таъсирини ифодалайдиган динамик тизимдир.

Педагогик инновацияда "янги" тушунчаси марказий ўрин тутаяди. Шунингдек, педагогик фанда хусусий, шартли, маҳаллий ва субъектив янгиликка қизиқиш уйғотади.

Хусусий янгилик В.А. Сластениннинг аниқлашича, жорий замонавийлаштиришда муайян тизим маҳсулоти унсурларидан бирини янгиланишни кўзда тутаяди.

Мураккаб ва прогрессив янгиланишга олиб келувчи маълум унсурларнинг йиғиндиси **шартли янгилик** ҳисобланади.


Маҳаллий янгилик конкрет объектда янгиликнинг фойдаланиши билан белгиланади.

Субъектив янгилик маълум объект учун объектнинг ўзи янги бўлиши билан белгиланади.

Инновацион

жараён

бу педагогик янгиликлар, бу янгиликларни педагогик ҳамжамият томонидан ўзлаштирилиши ва улардан илмий асосда амалиётда самарали фойдаланишнинг ўзгариб боровчи яхлитлигидир



Илмий йўналишларда янгилик ва инновация тушунчалари фарқланади. Янгилик - бу воситадир: янги метод, методика, технология ва бошқалар.

В.И. Загвязинский **янги** тушунчасига таъриф бериб, педагогикадаги **янги** бу фақатгина ғоя эмас, балки ҳали фойдаланилмаган ёндашувлар, методлар, технологиялардир, лекин бу педагогик жараённинг унсурлари мажмуан ёки алоҳида олинган унсурлари бўлиб, ўзгариб турувчи шароитда ва вазиятда таълим ва тарбия вазифаларини самарали ҳал этишнинг илгор бошланмаларини ўзида акс эттиради.

Р.Н.Юсуфбекова **педагогик янгиликка** ўқитиш ва тарбия беришда аввал маълум бўлмаган ва аввал қайд қилинмаган ҳолат, натижа, ривожланиб боровчи назария ва амалиётга элтувчи педагогик воқеликнинг ўзгариб туриши мумкин бўлган мазмуни сифатида қарайди.

Педагогик инновацияда Р.Н.Юсуфбекова *инновацион жараён тузулмасининг уч блокани фарқлайди:*

Биринчи блок - педагогикадаги **янгини** ажратиш блоки. Бунга педагогикадаги янги, педагогик янгиликнинг таснифи, янгини яратиш шарт-шароити, янгиликнинг меъёрлари, янгининг уни ўзлаштириш ва фойдаланишга тайёрлиги, анъана ва новаторлик, педагогикадаги янгини яратиш босқичлари киради.

Иккинчи блок - янгини идрок қилиш, ўзлаштириш ва баҳолаш блоки: педагогик ҳамжамиятлар, янгини баҳолаш ва уни ўзлаштириш жараёнларининг ранг-баранглиги, педагогикадаги консерваторлик ва новаторлик, инновация муҳити, педагогик жамиятларнинг янгини идрок этиш ва баҳолашга тайёрлиги.

Учинчи блок - янгидан фойдаланиш ва уни жорий этиш блоки, яъни янгини тадбиқ этиш, фойдаланиш ва кенг жорий этиш қонуниятлари ва турларидир. М.М.Поташникнинг инновация жараёнлари талқинлари киши эътиборини ўзига тортади. У инновация жараёнининг қуйидаги тузилмасини беради:

- *фаолият тузилмаси - мотив - мақсад - вазифа - мазмун - шакл - методлар - методика компонентлари йиғиндисини;*
- *субъектив тузилма-инновацион фаолият субъектларининг халқаро, минтақавий, туман, шаҳар ва бошқа сатҳлари;*
- *сатҳий тузилма-инновацион фаолият субъектларининг халқаро, минтақавий, туман, шаҳар ва бошқа сатҳлари;*
- *мазмун тузилмаси - ўқув-тарбиявий ишлар, бошқарув (ва б.)да янгиликнинг пайдо бўлиши, ишлаб чиқиши ва ўзлаштирилиши;*
- *босқичликка асосланган ҳаёт даврилик тузилмаси – янгиликнинг пайдо бўлиши - илдам ўсиши - етуклик – ўзлаш тириши - диффузия (сингиб кетиши, тарқалиши) – бойиши (тўйиниши) – қолоқлик - инқироз – иррадиация(алданиши) – замо навийлаштириши;*
- *бошқарув тузилмаси - бошқарув ҳаракатларининг 4 та турининг ўзаро алоқаси: режалаштириши - ташкил этиши - раҳбарлик қилиши - назорат қилиши;*
- *ташкилий тузилма - диагностик, олдиндан кўра билиши, соф ташкилий, амалий, умумлаштирувчи, татбиқ этувчи.*

Инновация жараёни таркибий тузилмалар ва қонуниятларни қамраб олган тизимдан иборатдир.

Педагогикага оид адабиётларда инновацион жараёни кечишининг 4 та асосий қонуниятлари фарқланади:

- *педагогик инновация муҳитининг аёвсиз бемаромлик қонуни;*
- *ниҳоят амалга ошириш қонуни;*
- *қолиплаштириши (стереотиплаштириши) қонуни;*
- *педагогик инновациянинг даврий такрорланиши ва қайтиши қонуни;*

Аёвсиз бемаромлик қонунида педагогик жараён ва ҳодисалар тўғрисидаги яхлит тасаввурлар бузилади, педагогик онг бўлинади, педагогик янгилик баҳоланади ва у янгиликнинг аҳамияти ва қимматини кенг ёяди.

Нихоят амалга ошиш қонуни янгиликнинг ҳаётийлиги бўлиб, у эрта ё кеч, стихияли ёки онгли равишда амалга ошади.

Қолиплаштириш (стереотиплаштириш) қонуни шундан иборатки, унда педагогик инновация фикрлашни бир қолипга тушириш ва амалий ҳаракатга ўтиш тенденциясига эга бўлади. Бундай ҳолатда педагогик қолип (стереотип) қоқоқликка, бошқа янгиликларнинг амалга ошиш йўлига тўсик бўлишга мажбур бўлади.

Педагогик инновациянинг даврий такрорланиши ва қайтиши қонунининг моҳияти шундаки, унда янгилик янги шароитларда қайта тикланади.

Педагогик инновация тадқиқотчилари инновация жараёнининг икки типини фарқлайдилар:

Инновациянинг биринчи типи стихияли ўтади, яъни инновацион жараёнда унга бўлган эҳтиёж ҳисобга олинмайди, уни амалга оширишнинг барча шарт шароитлари тизими, усуллари ва йўлларига онгли муносабат бўлмайди.

Инновациянинг иккинчи типи онгли, мақсадга мувофиқ, илмий асосланган фаолият маҳсулидир.

Олий мактабдаги инновацион жараёнлар В.А.Сластенин, М.М.Левина, М.Я.Виленский ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Олий мактаб инновацион жараёнлари негизида қуйидаги ёндашувларни белгилаш мумкин:

- *маданиятшунослик жиҳатидан (инсонни билишнинг устувор ривожланиши) ёндашув;*
- *шахсий фаолият жиҳатидан (таълимдаги янги технологиялар) ёндашув;*
- *қўп субъектли (диалогик) ёндашув, касбий тайёргарликни инсонпарварлаштириш;*
- *индивидуал - ижодий (ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро муносабатлари) ёндашув.*

Олий мактабда **инновацион фаолиятнинг субъекти** ўқитувчи, унинг шахсий имконияти ҳисобланади. Бунда ўқитувчи шахсининг ижтимоий-

маданий, интеллектуал ва ахлокий имкониятлари юксак аҳамиятга молик бўлади.

С.М.Годниннинг ишларида *талабанинг шахсий хислатлари педагогик жараённинг субъекти сифатида ёритилади*. Унга қуйидагиларни киритади: ўқитишнинг ҳозирги ва келгуси босқичлари учун қабул қилинган ўқув - тарбия жараёнининг мақсади, вазифаси ва кўрсатмаларини англай билиш; интеллектуал меҳнатнинг янги тадбирларини эгаллаш; мақсадга мувофиқ касбий ўз-ўзини тарбиялаш ва мустақил таҳсил олиш, қийинчиликларни аъло даражада енга билиш, ўсиш ва мустаҳкам ўрин эгаллашнинг кенгаётган интеллектуал ва касбий имкониятлари, истиқболлари билан қониқиш, ўзининг социал роли функциясини бажаришида фаол муносабатда бўлиш ва ҳоказо.

Инновацион педагогик жараённинг муҳим унсурлари *шахснинг ўз-ўзини бошқариши ва ўзини- ўзи сафарбар қила олиши ҳисобланади*. Унинг энг муҳим йўналишларидан бири **талабаларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш**.

Бундай йўналиш талабаларнинг ўқув ишларини фаоллаштириш, уларнинг касбий ихтисослашишини аниқлаб олиш фаоллигини ўз ичига олади.

Таянч йўналишлар - таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви, уларнинг ўзаро алоқаларида янги тамойилларга ўтиш.

Шундай қилиб, инновацион фаолият омиллари назарияси таҳлили унинг энг муҳим йўналиши *гуманистик аксиология* экан деган хулосага олиб келади.

Инновацион фаолиятга аксиологик ёндашув инсоннинг ўзини янгилик яратиш жараёнига бахшида қилиши, унинг томонидан яратилган педагогик кадриятлар жамини англатади.

Аксиология инсонга олий кадрият ва ижтимоий тараққиётнинг бирдан-бир мақсади сифатида қарайди.

3.2. Ўқитувчининг инновацион фаолияти тузилмаси

Ўқитувчининг инновацион фаолиятига яратувчилик жараёни ва ижодий фаолият натижаси сифатида қаралади.

В.А.Сластенин ўқитувчининг инновацион фаолиятини тузишда унга акмеологик жиҳатдан ёндашади.

Акмеология (акме) - юнонча олий нуқта, ўткир, гуллаган, етук, энг яхши давр деган маъноларни билдиради.

Б.Г.Ананьев, Н.В.Кузьмина, А.А.Деркач ва бошқалар касбий фаолиятнинг самарасини ошириш билан йўғрилган инсон ҳаётининг энг ижодий даврлари, етуклик босқичлари тўғрисида фикр юритадилар. Улар етук инсонларнинг профессионализми, шахс ривожланишининг гуллаган давридаги психик қонуниятлари, профессионализмга етишдаги баландликлардан ўта олиш масалалари билан шуғулланганлар.

В.А.Сластенин акмеологиянинг юксак профессионализмга, мутахассиснинг узок ижодий умр кўришига олиб келадиган субъектив ва объектив омилларини асослаб берди. Объектив омилларга олинган таълимнинг сифатини, субъектив омиллари эса инсоннинг истеъдоди ва қобилиятини, ишлаб чиқариш вазифаларини самарали ҳал қила олишидаги масъулияти, мутахассисларга ёндашувини киритади.

Юксак профессионализмга эришишнинг омиллари сифатида қуйидагилар кўрсатилади:

- *истеъдод нишонлари;*
- *уқувлилиқ;*
- *қобилият;*
- *истеъдод;*
- *оила тарбияси шароити;*
- *ўқув юрти;*
- *ўз хатти-ҳаракати.*

Акмеология илмий нуқтаи назардан профессионализм ва ижод муносабатида олиб қаралади. Бунда қуйидаги категориялар фарқланади:

- *ижодий индивидуаллик;*
- *ўзининг ўсиш ва такомиллашиш жараёни;*
- *ўз имкониятларини амалга ошириш сифатидаги креатив тажрибаси.*

Ўқитувчининг ижодий индивидуаллиги қуйидагилардан иборат:

- *интеллектуал - ижодий ташаббус;*
- *билимлар кенглиги ва чуқурлиги интеллектуал қобилияти;*
- *зиддиятларга нисбатан хушёрлик, ижодга танқидий ёндашув, вужудан яратувчиликка қурашчанлик қобилияти;*

- *ахборотларга ташиналик, муаммолардаги гайри одатийликка ва янгиликка бўлган ҳис-туйғу, профессионализм, билишга бўлган чанқоқлик (Н.В.Вишнекова).*

В.А.Сластенин ижодий индивидуализмни рўёбга чиқаришнинг асосий вазифаларини қуйидагича белгилайди:

- *ижтимоий моҳият касб этган маданиятни бойитиш;*
- *педагогик жараён ва шахс билимларини янгилаб туриш;*
- *самарали ва аҳамиятли меъёрларни белгилайдиган янги технологияларни топиш;*
- *шахснинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўзини ўзи намоён қила олиши асосида ўз ривожланишини таъминлаш;*

Шу тариқа ўқитувчининг ижодий индивидуаллигини шакллантириш шахс ривожланиши ва янгилашнинг динамик инновацион жараёни сифатида тушунилади.

Ижодий индивидуалликни характерлайдиган самарали ўз-ўзини англаш қуйидагиларни қамраб олади: ўзини бошқаларга қиёс қилиш асосида ўз шахсининг бетакрор эканлигини англай олиши; ўзи тўғрисидаги креатив кўринишлар ва тасаввурлари тўплами; индивидуал креатив ўзига хосликларнинг бир бутунлиги ва уйғунлиги, ички бирлиги; шахснинг ўз ривожланишидаги динамиклик ва доимийлик жараёни ва унинг ижодкор сифатида шаклланиши; шахс ўзини намоён қила олиши ва ўзининг муайян ишларни амалга оширишга ҳозир турганлиги; ижодкор сифатида ўзини бахшида қила олиши ва шахсий ҳамда ижтимоий вазиятларда ўзининг ўрнини англай олиши (В.А.Сластенин).

Инновацион фаолият тузилмаси таҳлилида акмеологик ёндашув ўқитувчининг касбий маҳорати чўққиларига эришувида унинг шахси ривожланиш қонуниятларини очиш имконини беради.

Ўқитувчи инновацион фаолиятининг энг муҳим тавсифи креативликдир.

Креативлик термини англия-америка психологиясида 60-йилларда пайдо бўлди. У индивиднинг янги тушунча яратиши ва янги кўникмалар ҳосил қилиш қобилияти, хислатини билдиради.

Ж.Гилфорд креативликни тавсифлайдиган қатор индивидуал қобилиятларни кўрсатади:

- *фикрининг равонлиги;*
- *фикрни мақсадга мувофиқ йўллай олиши;*

- ўзига хослик (оригиналлик);
- қизиқувчанлик;
- фаразлар яратиш қобилияти;
- хаёл қила олиш, фантастлик (фантазия.)

Ўқитувчи фаолиятидаги креативликнинг бир неча босқичларини белгилаш мумкин:

Биринчи босқичда тайёр методик тавсияномалар тузуккина кўчирилади; **иккинчи босқичда** мавжуд тизимга айрим мосламалар (модификациялар), методик усуллар киритилади; **учинчи босқичда** ғояни амалга ошириш мазмуни, методлари, шакли тўла ишлаб чиқилади; **тўртинчи босқичда** ўқитиш ва тарбиялашнинг ўз бетакрор концепцияси ва методикаси яратилади.

Ўқитувчининг инновация фаолияти тузилмасидаги энг муҳим компонент бу рефлексиядир.

Рефлексия ўқитувчининг ўз онги ва фаолиятини белгилаш ва таҳлил қила олиш деб қаралади (ўз фикри ва ҳаракатларига ташқаридан назар. В.А.Сластенин).

Педагогикага оид адабиётларда рефлексив жараёнларни изоҳлашнинг икки анъанаси мавжудлиги айтилади:

- *объектлар моҳиятини изоҳлашга ва уларни конструкциялашга олиб келадиган онгнинг рефлексив таҳлили;*

- *шахслараро мулоқот маъносини тушуниш рефлексияси;*

Бу билан боғлиқ равишда педагог олимлар куйидаги рефлексив жараёнларни фарқлайдилар:

- *ўз-ўзини ва бошқаларни тушуниш;*
- *ўз-ўзига ва бошқаларга баҳо бериш;*
- *ўз-ўзини ва бошқаларни изоҳли таҳлил қилиш.*

Рефлексия (лотинча Reflexio- ортга қайтиш) субъектнинг ўз (ички) психик туйғу ва ҳолатларини билиш жараёни сифатида қаралади.

Фалсафа ва педагогикага оид адабиётларда рефлексия шахснинг ўз онгидаги ўзгаришларни фикрлаш жараёни деб ёзилади.

Психологик луғатда шундай изоҳ берилади: "Рефлексия - фақат субъектнинг ўз-ўзини билиши ва тушуниши эмас, балки бошқалар унинг шахсий хислатлари, ҳис қилиш туйғуси ва билиш (когнитив) тасаввурларини билиш ҳамда тушунишини аниқлаб олишини ҳам англатади.

3.3. Ўқитувчининг инновацион фаолиятини шакллантириш шартлари.

Инновационлик педагогик жараёнини ифодалаб, нафақат унинг дидактик қурилмасига, балки ўқитувчининг ижтимоий моҳиятли натижалари ва рухий қиёфасига ҳам тааллуқлидир.

Инновационлик очикликни, бошқалар фикрининг тан олиншини билдиради.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти турли хилдаги қарашларнинг тўқнашуви ва ўзаро бойитилиши динамикасида амалга ошишини кўзда тутади.

Ўқитувчининг инновацион фаолиятини самарали амалга ошириш бир қатор шарт-шароитларга боғлиқ. Унга ўқитувчининг тайинли мулоқоти акс фикрларга нисбатан беғараз муносабат, турли ҳолатларда рационал вазиятнинг тан олиншини ўқитишга тайёрлиги киради. Бунинг натижасида ўқитувчи ўз билим ва илмий фаолиятини таъминлайдиган кенг қамровли мавзу (мотив)га эга бўлади.

Ўқитувчи фаолиятида ўз-ўзини фаоллаштириш, ўз ижодкорлиги, ўз-ўзини билиши ва яратувчилиги мавзу (мотив)лар муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўқитувчи шахсининг креативлигини шакллантириш имкониятини беради.

Янгилик киритишнинг муҳим шarti *мулоқотнинг янги вазиятини* туғдиришдир.

Мулоқотнинг янги вазияти - бу ўқитувчининг ўз мустақиллик мавқеини, дунёга, педагогик фан, ўзига бўлган янги муносабатни ярата олиш қобилиятидир. Ўқитувчи ўз нуқтаи назарларига ўралашиб қолмайди, у педагогик тажрибаларнинг бой шакллари орқали очилиб, мукаммаллашиб боради. Бундай вазиятларда ўқитувчининг фикрлаш усуллари, ақлий маданияти ўзгариб боради, хиссий туйғулари ривожланади.

Кейинги шarti - бу ўқитувчининг *маданият ва мулоқотга шайлиги*.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти воқеликни ўзгартиришга, унинг муаммолари ва усуллари ечишни аниқлашга қаратилгандир.

Ўқитувчи ва талаба ўртасидаги мулоқот намунасининг ўзгариши инновацион фаолият шартларидан биридир.

Янги муносабатлар анъаналарда бўлганидек, қистовлар, ҳукмга бўйсунтириш каби унсурлардан ҳоли бўлиши лозим. Улар тенгларнинг ҳамкорлиги, ўзаро бошқарилиши, ўзаро ёрдам шаклида қурилган бўлиши

даркор. Улар муносабатларидаги энг муҳим хусусияти бу ўқитувчи ва талабанинг ижоддаги ҳамкорлигидир.

Инновацион фаолият куйидаги асосий функциялар билан изоҳланади:

- *касбий фаолиятнинг онгли таҳлили;*
- *меъёрларга нисбатан танқидий ёндашув;*
- *касбий янгиликларга нисбатан шайлик;*
- *дунёга ижодий яратувчилик муносабатида бўлиш;*
- *ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, ўз турмуш тарзи ва интилишларини касбий фаолиятида мужассам қилиш.*

Демак, ўқитувчи янги педагогик технологиялар, назариялар, концепцияларнинг муаллифи, ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчиси сифатида намоён бўлади.

Ҳозирги жамият, маданият ва таълим тараққиёти шароитида ўқитувчи инновация фаолиятига бўлган зарурият куйидагилар билан ўлчанади:

- *ижтимоий-иқтисодий янгиланиш таълим тизими, методология ва ўқув жараёни технологиясининг тубдан янгиланиш талаб қилади. Бундай шароитда ўқитувчининг инновация фаолияти педагогик янгиликларни яратиш, ўзлаштириш ва фойдаланишдан иборат бўлади;*

- *таълим мазмунини инсонпарварлаштириш доимо ўқитишнинг янги ташкилий шакллари, технологияларини қидиришни тақозо қилади;*

- *педагогик янгиликни ўзлаштириш ва уни татбиқ этишига нисбатан ўқитувчининг муносабати характери ўзгариши.*

Ўқитувчининг инновацион фаолияти таҳлили янгилик кiritишнинг самарадорлигини белгиловчи муайян меъёрлардан фойдаланишни талаб қилади. Бундай меъёрларга - янгилик, мақбуллик (оптимальность), юқори натижалилик, оммавий тажрибаларда инновацияни ижодий қўллаш имкониятлари киради

Янгилик педагогик янгилик меъёри сифатида ўзида таклиф қилинадиган янгини, янгилик даражаси моҳиятини акс эттиради. Педагог олимлар янгиликнинг қўлланиш машҳурлиги даражаси ва соҳасига кўра фарқладиган мутлақ, чегараланган мутлақ, шартли, субъектив даражаларини фарқлайдилар.

Мақбуллик меъёри ўқитувчи ва талабанинг натижага эришиш учун сарфланган куч ва воситаларини билдиради.

Натижалилик ўқитувчи фаолиятидаги муайян муҳим ижобий натижаларни билдиради.

Педагогик янгилик ўз моҳиятига кўра оммавий тажрибалар мулки бўлиб қолиши лозим. Педагогика янгиликни дастлаб айрим ўқитувчиларнинг фаолиятига олиб кирилади. Кейинги босқичда - синалгандан ва объектив баҳо олгандан сўнг педагогик янгилик оммавий татбиқ этишга тавсия этилади..

Ўқитувчининг инновацион фаолияти ўз ичига янгиликни таҳлил қилиш ва унга баҳо бериш, келгусидаги ҳаракатларнинг мақсади ва концепциясини шакллантириш, ушбу режани амалга ошириш ва тахрир қилиш, самарадорликка баҳо беришни қамраб олади.

Инновацион фаолиятнинг самарадорлиги педагог шахсияти билан белгиланади.

В.А.Сластенин тадқиқотларида ўқитувчининг инновацион фаолиятга бўлган қобилиятларининг асосий хислатлари белгилаб берилган. Унга кўйидаги хислатлар тааллуқли:

- *шахснинг ижодий-мотивацион йўналганлиги. Бу - қизиқувчанлик, ижодий қизиқиш; ижодий ютуқларга интил иш; пешқадамликка интилиш; ўз камолотига интилиш ва бошқалар;*
- *креативлик. Бу – ҳаёлот (фантастлик), фараз; қолиплардан ҳоли бўлиш, таваккал қилиш, танқидий фикрлаш, баҳо бера олиш қобилияти, ўзича мушоҳада юритиш, рефлексия;*
- *касбий фаолиятни баҳолаш. Бу - ижодий фаолият методологиясини эгаллаш қобилияти; педагогик тадқи қот методларини эгаллаш қобилияти; муаллифлик концепцияси фаолият технологиясини яратиш қобилияти, зиддиятни ижодий бартараф қилиш қобилияти; ижодий фаолиятда ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам бериш қобилияти ва бошқалар;*
- *ўқитувчининг индивидуал қобилияти. Бу - ижодий фаолият суръати; шахснинг ижодий фаолиятдаги иш қобилияти; қатъиятлик, ўзига шонч; масъулиятлилик, ҳалоллик, ҳақиқатгўйлик, ўзини тута билиш ва бошқалар.*

Инновацион фаолият тадқиқотлари ўқитувчининг инновацион фаолиятга ҳозирлиги меъёрларини белгилашга имкон берди (В.А. Сластенин):

- *инновацион фаолиятга бўлган заруриятни англаш;*
- *ижодий фаолиятга жалб қилинишига шайлик;*
- *шахсий мақсадларни инновацион фаолият билан мослаштириш;*
- *ижодий муваффақиятсизликларни енгишига шайлик;*
- *инновацион фаолиятни ижро этиш учун технологик шайлик даражаси;*

- *инновацион фаолиятнинг касбий мустақилликка таъсири;*
- *касбий рефлексияга бўлган қобилият.*

Олий мактабдаги инновация жараёнлари характери киритилган янгиликлар хусусиятлари, ўқитувчиларнинг касбий имкониятлари, янгилик киритиш ташаббускорлари ва иштирокчиларининг инновацион фаолиятлари хусусиятлари билан белгиланади.

Инновацион фаолиятда энг муҳим масалалардан бири-ўқитувчи шахсидир.

Ўқитувчи-новатор сермахсул ижодий шахс бўлиши, креативликни, кенг қамровли қизиқиш ва машғулликни, ички дунёси бой, педагогик янгиликларга ўч бўлиши лозим.

Ўқитувчини инновацион фаолиятга тайёрлаш икки йўналишда амалга оширилиши лозим:

- *янгиликни идрок қилишга инновацион шайликни шакллантириш;*
- *янгича ҳаракат қила олишга ўргатиш.*

Инновацион фаолиятни ташкил этишда талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти ва уни бошқариш алоҳида аҳамиятга эга.

Инновация жараёнлари, уларнинг функциялари, ривожланиш қонуниятлари, механизмлари ва уни амалга ошириш технологиялари, бошқариш тамойилларининг педагогик асосларини ўрганиш олий мактаб ўқув жараёнини замонавий педагогика ҳамда психология фанлари ютуқлари асосида жаҳон стандартлари даражасида ташкил этиш имконини беради.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Таълимда "инновацион жараёнлар" термини нимани англатади?
2. Инновацион фаолиятдаги акмеологик ёндашувга изоҳ беринг.
3. Инновацион фаолиятдаги "креативлик" деганда сиз нимани тушунасиз?
4. Инновацион фаолият таркибидаги "рефлексия"ни тушунтириб беринг.
5. Инновацион фаолиятни шакллантириш шартларини изоҳлаб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Азизхужаева Н.Н. Ўқитувчи тайёрлашнинг педагогик технологияси. Т.: 2000.
3. Беспалко В.П. Педагогика и прогрессивные технологик обучения. -М., 1995.
4. Кларин М.В. Инновационные модели учебного процесса в современной зарубежной педагогике. – М., 1994.

2-мавзу. Муסיқа таълимида содир бўлаётган ўзгаришлар ва уларнинг ижобий натижалари

Режа:

1. Муסיқа ўқитилишига инновацион ёндашувлар.
2. Муסיқа педгогикаси умумий педагогика фанининг ажралмас қисми сифатида.
3. Инсон тафаккурининг ривожланишида муסיқа санъатининг тутган ўрни.
4. Муסיқий тарбияни амалга оширишнинг педагогик шарт-шароитлари.
5. Муסיқа санъати фанларига қўйилган замонавий талаблар

Таянч тушунчалар: ўқитиш технологияси, программалаштирилган ўқитиш, табақалаштирилган ўқитиш, таълимни индивидуаллаштириш, аудиовизуал, трамп режаси.

Президент Ислом Каримов “Таълим Ўзбекистон халқ маънавиятига яратувчилик фаолиятини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб - кори, махорати узлуксиз такомиллашади, катта авлоднинг доно тажрибасини англаб олинади ва ёш авлодга утади”- деб, таълим тушунчаси миллий нуктаи назаридан таъриф берилган. Юртбошимиз томонидан таълимнинг янги моделига асосан солинди ва унинг келажак истиқболлари илмий асослаб берилди. Таълимнинг янги моделини амалиётга тадбик этиш ўқув жараёнини техногия билан боғлиқдир. Жумладан, хозирги кунда барча соҳаларда янги технологияларни жорий этилишини ҳаётнинг узи, илмий-техникавий тараккиёт талаб этмоқда. Шунинг учун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида “Ўқув - тарбиявий жараёнини илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш” унинг 2 ва 3 - боскичларида бажариладиган жиддий вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Табиий савол туғилади: Нима учун бугунги кунда педагогик технологиянинг назарий асосини яратиш ва амалиётга тадбик этиш зарурати тугилди?

Бу омил мамлакатимизнинг ижтимоий сиёсатини белилаб берганлиги туфайли таълимнинг янги модели яратилди.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан моделнинг амалга ошириш билан жамиятимизнинг ҳаётида рўй бериш кутилаётган “*Портлаш эффекти*” ижобий натижалар руйроқ кўрсатиб берилди:

- ижтимоий - сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатимиздаги мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради:

- инсоннинг ҳаётдан ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади:

- жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади:

- жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади:

- фуқаролик жамиятини қуришни таъминлайди, модел воситасида дунёда муносиб урин олишга, узбек номини янада ёйиб тараннум этишга эришилади.

Президентимиз томонидан кўрсатиб берилган “портлаш эффекти” сари шижоат билан кадам таш-лаш, бу йулда учрайдиган кийинчиликларни боскичма- боскич ва изчил ҳал этиш масалалари нафакат педагогик назариёти ва амалиётларини жунбушга келтиради, балки, жамиятимизни тўлиқ педагоглаштириш муаммосини ижтимоий буюртма сифатида келтириб чиқаради. Демак, жамиятимизнинг ҳар бир фуқаросини тарбияшунослик асослари билан таништириш, ёш авлодни баркамол инсон қилиб вояга етказиш жараёни янги педагогик “қурол” ва воситалар билан таъминлаш давр таказосидир.

Сўнги пайитларда педагогик олимлар, амалиётчилар илмий асосланган таълим технологияларини уз фаолиятларида кенг куллашга интиломқдалар. Таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш илмий муаммо сифатида махсус тадқиқ этишни кузда тутади, бунда энг аввало куйдагиларни аниқлаш лозим:

- таълим технолгияси сифатида нимани англатиши ва унинг тузилмаси қандай таркибий қисмлардан ташкил топган;

- жараён сифатида таълим технолгиясининг функционал тузимаси нималардан иборат;

- таълим технологиялари Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсадларига қандай даражада тўғри келиши ва уни қандай баҳолаш мумкинлиги.

Ўқув жараёнини технологиялаштиришда дидактик масалаларни белгилаш қонуниятлари.

Эркин Шахсни шакиллантириш муаммоси таълим муассасаларида ўқув-тарбиявий ишларни педагогик технология “рельс” ига ўтказиш таказо этади. Бу жараён осон кечмайди. Чунки: бутун ихтиёрий курилатган ва жорий этилатган ўқитиш тизимини катъиян илмий асосланган педагогик тизимга айлантириш керак. Аслида ҳам ижтимоий тажриба элементлари-билим, ижодий фаолият, объектив борликка муносабатлар - педагогик жарён махсулидир ва маълум педагогик тизим доирасида шакиллантирилади. Педагогик технология эса амалиётга жорий этилатган педагогик тизим лойиҳасидир. Унда педагогик тизим нима? Унинг таркиби қандай? Бу саволларга мавжуд педагогик нашрлардан топиш мумкин.

Н.В.Кузмина педагогик тизим ўзида таълим ва тарбия мақсадида буйсиндирилган ўзаро боғлиқ таркибли элементлардан ташкил топишини ўқитирадилар: педагогик мақсад; ўқув ва илмий ахборот; педагогик алоқа воситалари: ўқувчилар ва педагогик. В.П.Беспальконинг таърифига кура “Педагогик” тизим маълум шахс сифатларини шакиллантиришга тартибли, аниқ мақсадни кўзлаб ва олдиндан ўйлаб педагогик таъсир этишини вужудга келтириш учун зарур бўлган ўзаро боғлиқ воситалар, усуллар ва жараёнлар йиғиндисидир. Ҳар жамиятда шу жамият мафкурасига хос шахсни шакллантириш мақсади ва унга мос педагогик тизим мавжуд бўлади. Агар мақсад ўзгарса тизим ҳам ўзгаради.

Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш миллий дастури жамият, давлат ва оила олдида уз жавобгарлигини хис этадиган фуқароларни тарбиялашни бош мақсад қилиб кўйган. Демак, Миллий дастур таълим ва тарбия соҳасидаги давлат буюртмаси ҳисобланиб миллий мафқуранинг таркибий қисмини ташкил этади. Фақат ижтимоий (давлат) буюртмасигина белгилаб беради ёки олий (урта, урта махсус, касб-хунар) таълим учун педагогик тизимининг мавжудлик шартларини кафолатлайди.

Куйидаги барча таълим тизимлари учун умумий бўлган педагогик тизим лойиҳаси келтирилган. Профессор Н.Сайдахмедовнинг тадқиқот этишича ҳар қандай педагогик тизим ўзаро боғлиқ бўлган куйидаги инвариатив элементлардан ташкил топади: 1- ўқувчилар ; 2-таълим мақсадлари, 3-таълим (т-я) мазмуни, 4- дидактика жараёнлар, 5- ташкилий шакллар 6-педагогик ёки ўқитишнинг техник воситалари (УТВ) .

Юқоридаги шаклдан 2 та тушунчани изохлаш мумкин: дидактик масалалар ва уларни амалга оширишнинг педагогик тизим доирасида инсон


фаолиятининг муҳим соҳаси сифатида аниқ мақсад ва унга эришиш учун шарт - шароитлар ҳамда бу фаолият учун ахборотлар бўлиши керак.


3. Дидактик масалаларни ҳал этиш мақсади шахснинг маълум сифатларини шакллантириш зарур бўлса, шарт шароитлар-ўқувчи (талаба) ларнинг бошланғич сифат кўрсаткичлари, ахборот эса ўқув предметининг мазмуни ёки тарбиявий таъсирidir.

Ҳар бир дидактик масала педагогик тизимда узига мос келадиган ПТ элементлари билан ҳал қилинади, улар дидактив жараён, ўқитишнинг ташкилий шакллари ҳамда педагог ёки ўқитишнинг техник воситалари (УТВ). Юқорида шакл ижтимоий буюртма йуналиши дидактив масалаларга қаратилган ва бу бежиз эмас, чунки таълим ҳар доим жамият талабларини қондиришга хизмат қилади ва у онгли равишда ёки индуктив тарзда тез, балки секинлик билан бу талабларга мос ҳолда тузилиб боради. ХХI аср бусоғасида таълим тараккиётининг ҳаракатлантирувчи кучи, ҳакконий двигатели- бу узида дидактив масалалар ва ПТ ни мужассамлаштирилган педагогик тизим ҳисоб- ланади. ПТ нинг муваффақиятли лойиҳаланиши ва якуний натижанинг қафолатланиши ўқитувчининг дидактик масалалар моҳиятини англаб етиш даражасига ва дарсда уларни тўғри белгилаб олишга боғ- ликдир. Бу вазифа ҳозирга қадар ўқитувчилар томонидан англашилмай келиняпти, қатор ҳолларда эса улар методикани технологиядан фарқлай олмаяптилар.

Шу боисдан қуйида ПТ нинг лойиҳаланиши учун зарурий шартлардан бири дидактик масалалар тўғрисида фикр юритилади. Чунки ҳар бир ўқитувчи педагогик фаолиятга қиришишидан олдин ҳал этилиши лозим бўлган педагогик масалаларни етарлича аниқ тасаввур этиши ва ифодаланиши, айти пайтда уз ўқувчиларига ҳам тушунтира олиши керак.

Бугунги ҳар қадамда ва ҳар қандай таълим муассасасининг ўқитувчиси фаолиятида тасодифий ўқувчи (талаба) лар гуруҳининг аниқ ўрнатилмаган мақсадга эришиш учун ихтиёрий танланган таълим мазмунини ўзлаштиришга оид ҳаракатларни бошқараётганлигини қузатиш мумкин. Бу ҳолатни изохлашга ҳаракат қиламиз.





Ўқитиш технологияси педагогик стратегия сифатида талаба ва ўқитувчилар фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштириш воситаларига эга бўлади. Бундай технологияларга қуйидагиларни келтириш мумкин:

- педагогик жараёнда шахсни кўзда тутишга асосланган педагогик технология (Ш.А.Амонашвили технологияси);
- ўқув материални схемалар ва моделлар ишораси асосида ўқитишни жадаллаштириш технологияси (В.Ф.Шаталов технологияси);

- ўқув жараёнини самарали бошқариш ва таъкил этиш асосига қурилган технология (С.Н.Лисенкова технологияси, Н.П.Гузикнинг ўқитиш тизимини режаслаштириш технологияси);

- ўқитишни индивидуаллаштириш технологияси (Инге Унт, А.С.Границкая, В.Д.Шадриков технологияси);

- ўқитишни дастурлаш технологияси (Б.П. Беспалько).

Ҳамкорлик педагогикаси

Ҳамкорлик педагогикаси XX асрнинг 80-йилларида ривожлана бошлади ва таълимдаги кўпгина инновацион жараёнларни ҳаётга чорлади. Бу технология негизида таниқли рус ва чет эл педагогларининг тажрибаси ётади. Улар К.Д.Ушинский, Н.П.Пирогов, Л.Н.Толстой, Ж.Ж. Руссо, Я.Корчак, К.Роджерс, Э.Берн, С.Т.Шацкий, В.А.Сухомлинский ва бошқалардир.

Ҳамкорлик педагогикаси 4та асосий йўналиш бўйича амалга оширилади:

- шахсга инсон, шахс сифатида ёндашув;
- диалектик фаоллаштирувчи ва ривожлантирувчи мажмуа;
- тарбия концепцияси;
- атроф-муҳитни таълим-тарбияга мослаш;

Ш.А.Амонашвилининг инсон-шахс технологияси. Шалва Александрович Амонашвили таниқли педагог олим ва амалиётчидир. У ўзининг экспериментал мактабида ҳамкорлик педагогикасини, шахсий ёндашувни, тил ва математика ўқитишнинг ажойиб методикасини ишлаб чиқди ва ҳаётга татбиқ этди.

Ш.А. Амонашвилининг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- боланинг шахсий хислатларини намоён қилиш орқали унда олижаноб инсоннинг шаклланиши, ривожланиши ва тарбияланишига имкон тугдирмоқ;
- боланинг қалби ва юрагини улугламоқ;
- боладаги билишга бўлган кучларни ривожлантириш ва шакллантириш;
- кенг ва чуқур билим ҳамда малака олиш учун шароит тугдирмоқ;
- идеал тарбия – бу ўз-ўзини тарбияламоқ.

Ш.А. Амонашвили ўзининг технологиясини амалга ошириш учун қуйидаги методика ва методик усуллардан фойдаланди:

- инсонпарварлик;
- шахсий ёндашув;
- мулоқот маҳорати;
- оила педагогикасининг қўшимча имконияти;

- *ўқув фаолияти.*

Ш.А.Амонашвили технологиясида бола фаолиятини баҳолаш алоҳида аҳамиятга эга. Баҳолардан фойдаланиш ўта чекланган. Миқдорий баҳолашдан кўра сифатли баҳолашга урғу берилади, яъни тавсиф, натижалар пакети, ўз-ўзини баҳолаш.

Ўқитишни жадаллаштириш технологияси

Бу технологияни Виктор Федорович Шаталов ишлаб чиқди ва ҳаётга жорий қилди. У ўқитишнинг анъанавий синф-дарс усулининг ҳали очилмаган катта имкониятларини кўрсатиб берди.

В.Ф. Шаталовнинг мақсад-мўлжали:

- *билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш;*
- *ҳар қандай индивидуал хусусиятларга эга бўлган барча болаларни ўқитиш;*

- *ўқитишни тезлаштириш.*
- *таянч сигналлар конспекти.*

Тамойиллар:

• *кўп марта такрорлаш, мажбурий босқичма-босқич назорат, қийинчиликнинг юқори даражаси, катта блокларда ўрганиш, фаолиятнинг динамик қолипи, хатти-ҳаракатнинг таянчи, мўлжалдаги асосини қўллаш;*

- *шахсни кўзда тутиш асосида ёндашув;*
- *инсонпарварлик;*
- *зўрлаб ўқитмаслик;*
- *ўқув вазиятларининг конфликтсизлиги, ҳар бир ўқувчининг муваффақиятларидан бохабарлик, тузатиш (йўлга солиш), ўсиш, ютуқларга истиқболни очиш;*

- *ўқитиш ва тарбияни боғлаш.*

В.Ф. Шаталов методининг ўзига хослиги:

- *материаллар катта ҳажмда киритилади;*
- *материаллар блоклар бўйича жойлаштирилади;*
- *ўқув материали таянч схема – конспект кўринишида расмийлаштирилади.*

Ўқитишни табақалаштириш

Г.К.Селевко тадқиқотларида ўқитишни табақалаштириш ўқув жараёнини ташкил этиш шакли сифатида изоҳланади, ўзида билим даражаси бир хил

бўлган, у ёки бу жиҳатдан ўқув жараёнида умумий сифатларга эга бўлган ўқувчилар гуруҳи билан ўқитувчи ишлайди. Ўқитишни табақалаштириш ўқув жараёнидаги таълим олувчиларнинг турли гуруҳларини ихтисослаштирилишини таъминлайдиган умумий дидактиканинг бир қисми сифатида ҳам белгиланади.

Ўқитиш тизимининг қурама технологияси (Н.П. Гузик).

«Ўқитиш тизимининг қурама технологияси» савиясига ва дарсларда мавзу бўйича даврийликни ривожлантиришга кўра синф ичидаги ўқитишнинг табақалаштирилиши деб қаралади. Дарслар ҳар бир мавзу бўйича кетма-кет жойлашган беш типдан иборат бўлади:

1) мавзунини умумий таҳлил қилувчи дарслар (улар лекциялар деб юритилади);

2) таълим олувчиларнинг мустақил ишлари жараёнида ўқув материалининг чуқурлаштириб ишлаб чиқишини кўзда тутган, тузилган семинар машғулотлари (бундай дарслар учтадан бештагача бўлиши мумкин);

3) билимларни умумлаштириш ва тартибга тушириш (гуруҳлаш) дарслари (мавзулар бўйича синовлар);

4) фанлараро материалларни умумлаштириш (мавзулар бўйича вазифаларни ҳимоя қилиш);

5) дарс-практикумлар.

Кейинги босқичда ўқитувчи ўқувчиларнинг савияларига кўра табақалаштириш ишларини ташкил этади. Бу иш янги материални бериш, уни мустаҳкамлаш ва такрорлаш, билим, малака ва кўникмаларни назорат қилишда амалга оширилади.

Бу технологияда учта табақалаштиришнинг турли даражадаги қийинчиликда: «А», «В», «С» дастурлари ажралиб туради.

Дастурлар қуйидаги вазифаларни ҳал қилади:

- *муайян даражадаги билим, малака ва кўникмаларни эгаллашни таъминлайди;*

- *таълим олувчиларнинг маълум даражадаги мустақиллигини таъминлайди;*

«С» дастури таянч стандарт сифатида қайд қилинади. Уни бажариш орқали таълим олувчилар фан бўйича ўқув материалини, уни қайта тиклай олиш даражасида ўзлаштирадилар. «С» дастури вазифаларини нисбатан қийин дастурга ўтмасдан олдин ҳар бир ўқувчи бажара олиши лозим.

«В» дастури мавзуни қўллаш билан боғлиқ масалаларни ечиш учун зарур бўлган ўқув ва ақлий фаолиятнинг умумий ва ўзига хос усуллари билан бирга эгаллашни таъминлайди. Ушбу дастурга киритиладиган қўшимча маълумотлар биринчи босқич материалларини кенгайтиради, асосий билимларни исботлайди, намоёниш этади ва ойдинлаштиради, тушунчаларнинг амал қилиш ва қўлланишини кўрсатиб туради.

«А» дастури ўқувчиларнинг билимларини тўла англаш, ижодий қўллаш даражасига кўтаради. Бу дастурда ижодий қўллаш истиқболли тобора такомиллашиб боровчи маълумотлар, чуқурлаштириладиган материаллар, унинг мантиқий асосланганлиги жойлаштирилган.

Материалларни такрорлашда турли даражадаги вазифаларни эркин тиклаш методикаси қўлланади.

Табақалаштирилган вазифаларни назорат қилишда индивидуалликка ўтилади ва у чуқурлаштирилади.

Ўқитишни индивидуаллаштириш технологияси

Инге Унт, А.С. Границкая, В.Д. Шадриков тадқиқотларида индивидуал ўқитиш ўқув жараёнини ташкил этиш шакли, модели сифатида белгиланади. Унда:

- педагог фақат биргина талаба билан ўзаро муносабатда бўлади;
- бир талаба фақат ўқитиш воситалари (китоблар, компьютер ва б.) билан ўзаро алоқада бўлади.

Индивидуал ўқитишда фаолиятнинг мазмуни, методлари ва суръати талабанинг хусусиятларига мослаштирилади.

Шахсий ёндошиш деганда:

- у педагогиканинг тамойили бўлиб, унга кўра педагог ўқув – тарбия ишлар жараёнида талабаларнинг шахсий хислатларини ҳисобга олган ҳолда айрим талабалар билан индивидуал модел бўйича ўзаро муносабатда бўлиш, индивидуал хусусиятларига асосланиш;

- ўқув жараёнида талабаларнинг индивидуал хусусиятини ҳисобга олиш;
- барча талабаларнинг ривожланишигина эмас, балки ҳар бир талабага алоҳида ривожланиш учун психологик–педагогик тадбирлар яратиш тушунилади.

Ўқитишни индивидуаллаштириш;

- ўқув жараёнини ташкил этиш бўлиб, унда ўқитиш усуллари, суръатини танлаш талабанинг индивидуал хусусиятлари билан боғланади;
- индивидуал ёндашувни таъминловчи турли ўқув-методик, психологик-педагогик ва ташкилий-маъмурий тадбирлардир.

Шундай қилиб, дидактика бўйича амалга оширилган тадқиқотларга кўра ўқитишни индивидуаллаштириш ўқув жараёнининг шундай ташкил қилинишики, унда индивидуал ёндашув ва индивидуал шакл устувор ҳисобланади.

Ўқитишни индивидуаллаштириш қуйидаги муаллифлик технологияларида асослаб берилди:

- *Инге Унтнинг ўқитишни индивидуаллаштириш технологияси;*
- *А.С. Гранцикаянинг мослашувчан ўқитиш технологияси;*
- *В.Д. Шадриковнинг индивидуалликка қаратилган режа асосида ўқитиш технологияси.*

Инге Унтнинг ўқитишни индивидуаллаштириш технологиясидаги асосий концепция ҳозирги шароитда ўқитишни индивидуаллаштиришнинг муҳим шакли ўқувчиларнинг мактабдаги ва уйдаги мустақил ишлари деб қоидалаштирилган. Инге Унт унинг мазмуни ва методикаси деб мустақил ишлар учун индивидуал ўқув вазифалари, жорий ўқув адабиётига мослаштирилган, индивидуаллаштирилган мустақил ишлар қўлланмаси асосида наشر этилган иш дафтарларини тушунади.

А.С.Границкая ўзининг мослашувчан ўқитиш тизимини синф-дарс тизимида ташкил этиш ва унда ўқитувчи 60-80% вақтини ўқувчилар билан индивидуал ишлашга ажратиш мумкинлигини қайд қилади. А.С.Границкая методикасининг ўзига хослиги унинг дарсни муайян ғайриодатий қурилма асосида ташкил этишидир:

- *Биринчи қисм – барчани ўқитиш;*
- *Иккинчи қисм – икки параллел жараён: ўқувчиларнинг мустақил ишлари ва ўқитувчининг айрим ўқувчилар билан индивидуал ишлаши, яъни умумлаштирилган схемалардан фойдаланиш, алмашилиб турувчи жуфт ўқитувчи бўлиб ишлаш, мослашувчан кўп қиррали вазифалар ва б.*

В.Д.Шадриков гипотезасига кўра агар болага мураккаблашиб борувчи вазифаларнинг тафсилоти берилса, унга ўрганиш жараёнини мотивациялаш таклиф этилса, лекин болага шу бугун унинг учун мумкин ва қулай ишлаш имконияти қолдирилса, ўқувчилар қобилияти самарали ривожланади деб

ҳисобланади. В.Д.Шадриков методикаси асосини ҳар бир ўқувчининг қобилиятига қараб ўқитишга имкон берадиган олти даражадаги ўқув режаси, дастур ва методик қўлланма ташкил этади. Ҳар бир фаннинг мураккаблик даражасига кўра кучи етган вариантни танлаб олиб, ўқувчилар синфда тез-тез алмашиб туради ва фаннинг ҳажми ва мазмунини қўлдан чиқармай биргаликда ўқув дастурини ўзлаштиришга ҳаракат қиладилар. Мураккаблик даражасини танлаш тезликда амалга оширилади, «баъзан» уни амалга ошириб бўлмайди, чунки у синфдаги ўқувчиларнинг тенглашиш, ўқувчиларнинг қобилияти ҳолатига боғлиқ бўлади.

Мураккабликнинг олти даражаси амалда барча болаларга эътибор беришга, барчанинг кучи етадиган, ўқувчининг қобилиятига, унинг ривожланишига мосланган, ўқув жараёнини ташкил этишга имкон беради.

Бу ўқитишни индивидуаллаштириш муаллифлик технологияси негизда умумий тамойиллар мавжуд:

- *индивидуаллаштириш ўқитиш жараёни стратегиясидир;*
- *индивидуаллаштириш–индивидуалликни шакллантиришнинг зарурий омили;*
- *барча ўрганиладиган фанларда индивидуаллаштирилган ўқитишдан фойдаланишнинг мумкинлиги;*
- *индивидуал ишларни ўқув фаолиятининг бошқа шакллари билан интеграциялаш;*
- *индивидуал суръатда, услубда ўрганиш.*

Индивидуаллаштириш технологиясининг умумий хусусиятларига куйидагилар киради;

- *ўзлаштира олмасликка олиб келувчи омилларни қайд қилиш;*
- *фикрлаш жараёнида билим, малака, кўникмаларни эгаллаш индивидуал камчиликларни тузата олиш усуллари;*
- *оила тарбиясидаги мотивациянинг бўлинмаслиги, ироданинг сустилиги камчиликларини қайд қилиш ва енга олиш;*
- *қобилиятли ва истеъдодли ўқувчиларга нисбатан ўқув жараёнини оптималлаштириш (ижодий фаолият, синф ва синфдан ташқари ишларни ҳисобга олиш);*
- *ўқитиш жараёнини танлаш эркинлигини бериш;*
- *умумий ўқув малакалари ва кўникмаларини шакллантириш;*
- *ўқувчиларнинг ўз-ўзига мос баҳо бера олишини шакллантириш;*

- ўқитишнинг техник воситаларидан, шунингдек, ЭЎМдан фойдаланиш.

Ўқитишни индивидуаллаштириш технологиясига қуйидагилар киради:

Батов тизими. АҚШда ишлаб чиқилган бу тизимда ўқув жараёни икки қисмга бўлинади:

Биринчи қисм- бутунича синф иши.

Иккинчи қисм- индивидуал машғулотлар.

Бундай машғулотлар унга зарурият сезган ўқувчилар билан ё умум томонидан қабул қилинган меъёрлардан орқада қолмаслик ёки нисбатан ривожланган қобилиятлари билан ажралиб турганлар билан бир қаторда бўлишини таъминлаш мақсадида ўтказилади.

Юқори қобилиятли категория ўқувчилар билан ўқитувчи, нисбатан камроқ қобилиятли ва қолоқ ўқувчилар билан ўқитувчи ёрдамчиси шуғулланади.

Трамп режаси – бу технология АҚШда жуда машхур. Бу ўқитиш шакллари шундай тизимики, унда катта аудиториядаги машғулотлар кичик гуруҳлардаги индивидуал машғулотлар билан қўшиб олиб борилади.

Замонавий техник воситалар ёрдамида 100-150 кишидан иборат катта гуруҳларда юксак малакали ўқитувчилар, профессорлар лекция ўқийдилар. 10-15 кишидан иборат кичик гуруҳлар эса лекция материалларини муҳокама қиладилар, баҳс юритадилар.

Индивидуал ишлар эса мактаб кабинетларида, лабораторияларида ўтказилади. Лекция машғулотларига 40%, кичик гуруҳлардаги машғулот 20%, кабинет ва лабораториялардаги индивидуал ишларга 40% ажратилади. Одатдаги синф тушунчаси йўқ, кичик гуруҳлар ҳам доимий эмас.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Ўқитишнинг самарали технологиялари ҳақиданималарни биласиз?
2. Ўқитиш технологияларининг таркибий хусусиятлари нималардан иборат?
3. Ўқитиш технологияларига мисоллар келтиринг.
4. Нима учун бугунги кунда педагогик технологиянинг назарий асосини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш зарурати туғилди?
5. Таълим тушунчасини миллий нуктаи назардан таърифланг?
6. Таълим жараёнининг икки томонлама хусусиятини тушунтиринг?
7. Тасодифий ўқувчилар гуруҳи деб қандай гуруҳга айтилади?
8. Гетроген гуруҳ деб нимага айтилади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии в подготовке учителя. Ташкент, 2000.
2. Молибог А.Г. Программированное обучение. -М., 1967.
3. Унт Инге. Индивидуализация и дифференциация обучения.- М.: Педагогика, 1990.
4. Юдин В.В. Педагогическая технология. – Ярославль, 1997.
5. Шаталов В.Ф. Педагогическая проза. – М.: Педагогика, 1980.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Технология сўзи қайси тилдан олган ва қандай маънони англатади?

- A. Юнонча “ маҳорат , санъат”
- B. Ингилизча “малака, кўникма”
- C. Франсузча “ маҳорат, малака”
- D. Грекча “билим, малака”

2. Интерактив таълим бу...

- A. Стратегия ва методология
- B. Доимий мулоқатга асосланган методлар тизими
- B. Биргаликдаги оёқиш ва фаол иштирок этиш
- Г. Барча жавоблар тоъғри

3.Актив (фаол) билим олиш концепсиясини ким ишлаб чиккан?

- A.Блум
- B.Коменский
- B.Сукрот
- Г.Герсен

4. Индивидуал ўқитишда фаолиятнинг қайси хусусиятлари мослаштирилади?

- а) мазмунан
- б) метод
- с) суръати
- д) ҳамма жавоблар тўғри

5. Таълим жараёнининг мазмунини ташкил қиладиган тушунчалар қайси жавобда тўғри кўрсатилганлигини топинг?

- а) билим, кўникма, малака
- б) таълим, тарбия, муҳит
- с) одат, ахлоқ, меёр
- д) тарбия, муҳит, ирсият

6. Таълимга технологик ёндашув қачон пайдо булган?

- а) XX аср бошларида
- б) XX аср 30-йилларида
- с) XX аср 40-йилларида
- д) XX аср 50-йилларида

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Мустақиллик йилларида кадрлар таёрлаш масаласига қандай эътибор қаратилмоқда?
2. Инновацион технологиялар деганда нимани тушунасиш? Инновацион технологиялар қачон вужудга келган?
3. Таълим турларини ва таълим тамойилларини айтиб беринг?
4. Инновацион жараён ва технологик жараённинг бир-биридан фарқи нимада?
5. Инновацион таълимнинг айрим тарихий турларини айтиб беринг?
6. Ўқитувчи инновацион фаолиятининг умумий жиҳатини айтиб беринг?
7. Инновацияларга мойиллик қачон пайдо бўлди?
8. Муסיқа педагогикасининг асосий мақсади ва вазифалари?
9. Узлуксиз таълим тизимини модернизациялашнинг аҳамияти нимада?
10. Муסיқа таълимига инновацион технологиялар қандай жорий қилинади?
11. Муסיқа ўқитувчисининг педагогик қобилияти, педагогик маҳорати ва техникаси?
12. Муסיқий таълим ва табиъани ташкил этиш усуллари?
13. Таълимда "инновацион жараёнлар" термини нимани англатади?
14. Инновацион фаолиятдаги акмеологик ёндашувга изоҳ беринг.
15. Инновацион фаолиятдаги "креативлик" деганда сиз нимани тушунасиш?
16. Инновацион фаолият таркибидаги "рефлексия"ни тушунтириб беринг.
17. Инновацион фаолиятни шакллантириш шартларини изоҳлаб беринг.
18. Нима учун бугунги кунда педагогик технологиянинг назарий асосини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш зарурати туғилди?
19. Таълим тушунчасини миллий нуктаи назардан таърифланг?
20. Таълим жараёнининг икки томонлама хусусиятини тушунтиринг?
21. Президентимиз томонидан янги педагогик технологияга қандай таъриф берилган?
22. Педагогик тизим нима?
23. Педтехнологиянинг таркиби қандай?

24. Ўқитишнинг самарали технологиялари ҳақида нималарни биласиз?
25. Ўқитиш технологияларининг таркибий хусусиятлари нималардан иборат?
26. Ўқитиш технологияларига мисоллар келтиринг.

МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ

1. Педагогик технология деганда нима тушунаси?
2. Мустақиллик йилларида кадрлар таёрлаш масаласига қандай эътибор қаратилмоқда?
3. Таълим турларини ва таълим тамойилларини айтиб беринг?
4. Муסיқа педагогикасининг асосий мақсади ва вазифалари?
5. Муסיқа таълимига педагогик технологиялар қандай жорий қилинади?
6. Муסיқа ўқитувчисининг педагогик қобилияти, педагогик маҳорати ва техникаси?
7. Муסיқий таълим ва тарбияни ташкил этиш усуллари?
8. Нима учун бугунги кунда педагогик технологиянинг назарий асосини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш зарурати туғилди?
9. Таълим тушунчасини миллий нуктаи назардан таърифланг?
10. Таълим жараёнининг икки томонлама хусусиятини тушунтиринг?
11. Педагогик тизим нима?
12. Педагогик технологиянинг шаклланиш тарихи ва моҳиятини айтиб беринг?
13. Педагогик технологияларнинг хусусияти нимада?
14. Таълим методи ва таълим технологиясига таъриф беринг?
15. Инновацион таълим нима?
16. Педагог фаолияти мазмунини белгиловчи асосий омиллар?
17. Педагогик технология турлари?
18. Таълимнинг шакл, метод ва воситаларини айтинг?
19. Интерфаол методлардан мисол келтиринг?
20. Муסיқа таълимига педагогик технологиялар қандай жорий қилинади?
21. Муסיқа ўқитувчисининг педагогик қобилияти, педагогик маҳорати ва техникаси?
22. “Расмларни тўғри жойлаштириш” методи ва “Вен диаграммаси” стратегияси методлари тавсифини айтиб беринг.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Узлуксиз таълим тизимининг турлари ўртасидаги узвийлик ва изчиллик.
2. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидаги тайёрлов йўналишларини эътиборга олган ҳолда муסיқани ўқитишда мақсадга мувофиқликни амалга ошириш.
3. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидаги тайёрлов йўналишлари ва уларнинг олий таълим муассасалари билан узвийлиги.
4. Ўқувчиларни касбга йўналтириш ва дастлабки касбий тайёргарлигини амалга ошириш.
5. Муסיқани ўқитиш жараёнида ўқувчиларни касбга йўллаш методикаси.
6. Муסיқани ўқитишда дидактик материалларни ишлаб чиқиш технологияси
7. Таълим-тарбия жараёнида дидактик материаллардан фойдаланиш юзасидан методик билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш.
8. Муסיқий таълим жараёнига инновацион технологияларни жорий қилиш.
9. Муסיқа санъатининг ўзига хос хусусияти ва унга қўйилган замонавий талаблар.
10. Таълим-тарбия жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш методикаси.
11. Муסיқа ўқитилишига инновацион ёндашувлар.
12. Муסיқа педгогикаси умумий педагогика фанининг ажралмас қисми сифатида.
13. Инсон тафаккурининг ривожланишида муסיқа санъатининг тутган ўрни.
14. Муסיқий тарбияни амалга оширишнинг педагогик шарт-шароитлари.
15. Инновацион жараённинг асосий компонентлари
16. Таълим қоидалари ва инновацион технология принциплари
17. Инновацион педагогиканинг асосий ғоялари ва тушунчалари
18. Инновация жараёни схемаси
19. Таълимнинг замонавий стратегиялари
20. Инновацион таълим методлари ва технологиялари

II. Ижодий топшириқ.

“Муסיқа таълимининг замонавий стратегиялари” мавзусида тақдимот тайёрлаш.

ГЛОССАРИЙ

Инновация - (инглизча innovation) - янгилик киритиш, янгиликдир. А.И. Пригожин **инновация** деганда муайян ижтимоий бирликка - ташиқлот, аҳоли, жамият, гуруҳга янги, нисбатан турғун унсурларни киритиб боровчи мақсадга мувофиқ ўзгаришларни тушунади. Бу инноватор фаолиятидир.

Инновационлик - педагогик жараёни ифодалаб, нафақат унинг дидактик қурилмасига, балки ўқитувчининг ижтимоий моҳиятли натижалари ва руҳий қиёфасига ҳам тааллуқлидир.

Хусусий янгилик - В.А.Сластениннинг аниқлашича, жорий замонавийлаштиришда муайян тизим маҳсулоти унсурларидан бирини янгилани кўзда тутди.

Маҳаллий янгилик конкрет объектда янгиликнинг фойдаланиши билан белгиланади.

Субъектив янгилик - маълум объект учун объектнинг ўзи янги бўлиши билан белгиланади.

Креативлик термини - англия-америка психологиясида 60-йилларда пайдо бўлди. У индивиднинг янги тушунча яратиши ва янги кўникмалар ҳосил қилиш қобилияти, хислатини билдиради.

Рефлексия - ўқитувчининг ўз онги ва фаолиятини белгилаш ва таҳлил қила олиш деб қаралади (ўз фикри ва ҳаракатларига ташқаридан назар. В.А.Сластенин).

Мулоқотнинг янги вазияти - бу ўқитувчининг ўз мустақиллик мавқеини, дунёга, педагогик фан, ўзига бўлган янги муносабатни ярата олиш қобилиятидир.

Янгилик - педагогик янгилик меъёри сифатида ўзида таклиф қилинадиган янгини, янгилик даражаси моҳиятини акс эттиради. Педагог олимлар янгиликнинг қўлланиш машхурлиги даражаси ва соҳасига кўра фарқланадиган мутлақ, чегараланган мутлақ, шартли, субъектив даражаларини фарқлайдилар.

Мақбуллик меъёри - ўқитувчи ва талабанинг натижага эришиш учун сарфланган куч ва воситаларини билдиради.

Натижалилик - ўқитувчи фаолиятидаги муайян муҳим ижобий натижаларни билдиради.

Педагогик янгилик - ўз моҳиятига кўра оммавий тажрибалар мулки бўлиб қолиши лозим. Педагогика янгиликни дастлаб айрим ўқитувчиларнинг

фаолиятига олиб кирилади. Кейинги босқичда - синалгандан ва объектив баҳо олгандан сўнг педагогик янгилик оммавий татбиқ этишга тавсия этилади..

Истиқболли тайёргарлик - ўрганилиши яқинлашиб келаётган қийин мавзуларни йўл-йўлакай ўтишнинг бошланишидир.

Умумлаштириш - бу муайян билимлар асосидаги мавзуни умумлаштиришдир.

Ахборотлаштириш - ҳозирги замон жамиятида фан ва техникани ривожлантиришнинг муҳим воситаси сифатида информатиканинг етакчи ўринга чиқиши.

Бир вариантлик - маълум ифода билан боғлиқ ўзгарувчиларни маълум тарзда ўзгартиришда ифодани ўзгаришсиз қолдирувчи концепция.

Глобаллашув - умуминсоний принциплар асосида жаҳон мамлакатларининг яқинлашиши тенденциясига берилган фалсафий-социологик таъриф.

Жамият ривожланишида маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги – И.Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида илмий жиҳатдан асослаб берилган янги ҳаёт бўлиб, у жамият ривожланиши қонунларини холисона ўрганишга асосланади. Ижтимоий тараққиётда маънавий ҳаёт билан моддий ҳаётни бир-бири билан узвий алоқадор бўлган икки жиҳати эканлиги илмий асосланган қараш ва ёндошувдир.

И.Каримов асарларида жамият ривожланишининг янги концепциясининг асосланиши – жамият ривожланиши тўғрисида янги назарий, илмий концепциялар ва ғоялар мажмуидан иборат бўлган қарашлар тизими бўлиб, у И.Каримовнинг 20 жилдлик асарлар тўпламида ва бошқа асарларида ўзининг ифодасини топган. У жамият ривожланишига формацион, синфий-партиявий принциплардан мутлақо воз кечилганлиги билан илмий амалий аҳамитга эга. Жамият ривожланишида маънавий-моддий ҳаёт уйғунлиги, инсон омили, цивилизациялар хилма-хиллигига асосланган ҳолда жамият ривожланишининг илмий асослари асослаб берилган.

Интеграция - қандайдир қисмларни бир бутунга бирлаштириш, ниманингдир таркибига кириш (иктисодий интеграция, илмий интеграция).

Интеллект - шахснинг янги билим ва кўникмаларни тез ва осон

Интерфаол- инглизча сўз бўлиб, “ўзаро таъсир” маъносини билдиради. Бирор фаолият ёки муаммони ўзаро мулоқатда, ўзаро баҳс-мунозара усулида, фикрлашишида ҳамжиҳатлик билан ҳал этиш маъносини англатади.

Интерфаол машғулот — ўқитувчи ва ўқувчилар ўзаро фаол иштирок этадиган машғулот; жараён ҳамкорликда кечади.

Каузалик - сабабият, бири (сабаб) бошқасини (оқибатни) белгиловчи ходисаларнинг ирсий алоқасини ифодаловчи фалсафий тушунча.

Концептуализация - тўпланган эмпирик билимларга уларнинг назарий уюшқоқлигини таъминловчи онтологик тасаввурларни киритиш; ўрганилаётган объектларнинг табиати ҳақидаги тушунчаларнинг алоқалари схемаси.

Метод- юнонча сўз бўлиб, йўл, усул, ҳаракат усули маъносини билдиради.

Методология (фанда) - илмий тадқиқотда фойдаланиладиган методлар мажмуи; олимнинг назарий ва амалий фаолиятини ташкил этиш ва тузиш усуллари ҳақидаги таълимот.

Назария (илмий) - воқеликнинг у ёки бу соҳасидаги қонуниятлар ҳақида яхлит тасаввур берувчи илмий билимни ташкил этиш шакли.

Парадигма - илмий вазифаларни ҳал қилишда намуна сифатида олинган назарий, методологик ва аксиологик кўрсатмалар тизими.

Тарбия – аниқ мақсад асосида шахсда ижобий хислатларни шакллантиришга қаратилган фаолият.

Тарбия воситалари – тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқа турли вазифаларни бажариш учун белгиланган моддий, маънавий, маданий объект ва предметлар йиғиндисидир.

Тарбия методлари – тарбияланувчини ҳаётини, фаолиятини, муомала ва муносабатини ташкил этиш, ҳулки ва фаолиятини тартибга солиш учун педагогик мақсадга мувофиқ ижтимоий шартланган усуллардир.

Тарбия принциплари – тарбия жараёнининг мазмуни, методлари ва воситаларига қўйиладиган талаблар.

Тарбия усуллари – тарбия методининг бир қисми бўлиб, алоҳида таъсир, муайян ўзгартиришни ўз ичига олади.

Тарбия шакллари – тарбиячи ва тарбияланувчининг биргаликда, белгиланган тартибда амалга оширадиган фаолиятининг ташқи кўринишидир.

Таълим – инсоннинг маълум бир тизим асосида олган билим, кўникма, малакаси ва эгалланган маънавий фазилатлари йиғиндисидир.

Таълим ва тарбиянинг узвий алоқадорлиги – таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмаслиги тўғрисидаги қарашлар ва ғоялар тизимидир. Унга кўра таълим-тарбия жамият ривожланиши ва тараққиётини таъминловчи муҳим омилдир ҳамда таълим ва тарбиянинг узлуксизлиги принципига асосланади. Миллий-маданий мерос таълим-тарбиянинг муҳим негизидир. Айни пайтда таълим-тарбия инсоният эришган илм-фан, техника

ва технологиялар соҳасидаги ютуқларни ҳам ҳисобга олади ва уни ижтимоий ҳаёт соҳаларига тадбиқ этиш билан характерланади.

Фан - билиш фаолиятининг янги, объектив билимлар ишлаб чиқишга йўналтирилган алоҳида тури, воқелик ҳақидаги билимларнинг уюшган тизими.

Шахс ривожланиши - инсоннинг бутун умри давомида ақлий ва жисмоний ўзгариши жараёнидир.

ДИДАКТИК ВА КЎРГАЗМАЛИ МАТЕРИАЛЛАР

1-МАВЗУ БЎЙИЧА

1-илова

Дарсда қўлланиладиган “Ақлий ҳужум” усули

Ақлий ҳужум (брейнстроминг-ақллар тўзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жамоавий юзага келтириш.

Ақлий ҳужум ва масалани ечиш босқичлари

1. Мустақил фикрланг хаёлингизга келган барча ғоя, фикрларни қоғозга ёзинг.
2. Барча ғоя ва фикрларни ёзинг, агар улар такрорланаётган бўлса, махсус белги қўйинг.
3. Ғояларни баҳоланг.
4. Энг мақбул ғоя гуруҳ ғояси сифатида шакллантиради.
5. Барча ёзилган ғоялар гуруҳ муаммосини ечиш учун гуруҳлаштириш мумкин.
6. Гуруҳнинг умумий жавоби шакллантирилади.

Саволлар:

1. Муסיқа ўқитишда инновацион технологияларнинг вужудга келиши ва ривожланиши.
2. Мустақиллик шароитида кадрлар тайёрлашнинг миллий моделини рўёбга чиқариш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш босқичлари.
3. Таълим тизими ва таълим турлари. Таълим тамойиллари.
4. Муסיқа таълимида замонавий стратегиялар

Дарсда қўлланиладиган “Инсерт усули”

2-илова

Инсерт - самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан таълим олувчига вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

Матни белгилаш тизими


- (v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.
 (+) – янги маълумот.
 (-) – мен билган нарсага зид.
 (?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?
Инновацион технологияларнинг хусусиятлари				
Инновацияларнинг пайдо бўлиши				
Ўқитувчи инновацион фаолияти тузилмаси				
Муסיқа таълимига қўйилган талаблар				
Педагогик инновацияга таъриф				
Инновацион технологиялардан фойдаланиш йўллари				
Инновацион технологияларнинг самарадорлиги				

1-слайд

Инновацион жараённинг асосий компонентлари



Янгилик-янги ғоя,
янги билим

- Илмий изланишларнинг якуни ихтирочилик, тажриба майдонларининг метод бирлашмаларининг хулоса ва таклифлари, илм ва фан ютуқларининг натижалари, янги ғоя кашфиёт шаклидаёки педагогик коррекция таклифлари, тушунча методик таклифлар

Янгиликнинг пайдо бўлиши билан инновацияни киритилиши

- Янги билимларни тадбиқ этиш натижаси ва уни қўлланилиши билан таъомиллашган сифатли жаҳон ўқув стандарти талабларига мос педагогни тайёрланиши


Диффузияли инновация

- Янгилик сифатида ўзлаштирилган ва бир вақтлар кенг тарқалган, лекин маълум ижтимоий жамият шароити, технологик жараёнларнинг ўзлаштирилиши

**Иновацион
жараён**

бу педагогик янгиликлар, бу янгиликларни педагогик ҳамжамият томонидан ўзлаштирилиши ва улардан илмий асосда амалиётда самарали фойдаланишнинг ўзгариб борувчи яхлитлигидир

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ БЎЙИЧА




Т.А.Боровик (Магнитогорск консерваторияси)

Коллектив фаолият

- Куйлаш
- Ритмодекламация
- Болалар муסיқий чолғу асбобларида ижро
- Рақс
- Муסיқа остида импровизациялашган харакатлар
- Шеър ва эртакларни овозлаштириш
- Пантомима
- Импровизациялашган театрализация



5-Слайд



6-Слайд

Sibelius ойнаси

The screenshot shows the Sibelius 4 software interface. The title bar reads 'Sibelius 4 - [Вейбор]'. The menu bar includes 'File', 'Edit', 'View', 'Notes', 'Create', 'Play', 'Layout', 'House Style', 'Plugins', 'Window', and 'Help'. The main window displays a musical score for 'CLINOLOGY' by Felix C. Muni. The score is for Trumpet in E-flat, Alto Saxophone, and Piano. The tempo is marked 'FAST TEMPO' with a quarter note equal to 240. The score is divided into sections: 'CLINOLOGY', 'Sence', and 'To SPINA PATCH'. Red boxes and arrows highlight specific features: 'Asboblar paneli' (Instrument panel) points to the 'Piano' part; 'Injuro chizigi' (Staff line) points to the staff line; 'Kuchugchi oymalar' (Editing tools) points to the editing tools in the bottom right corner.


7-Слайд

Асбоблар панели





	- файл (янги партитура) яратиш;
	- Файл очиш;
	- файлни дискда сақлаш;
	- аудио экспорти. Сиз теган ноталар овозли файл (wav) кўринишида сақланади. Бу буйруқ фақат Kontakt Player™, иловаси ўрнатилган бўлсагина ишлайди.
	- ноталарни нашрга чиқариш;
	- партитурада бажарилган амалларни бекор қилиш, орқага қайтариш белгиси;
	- Экрандаги тасвир кўлами. Бу тугма босилган пайтда сичконча курсори лупа кўринишини олади. Сичкончадаги чап тугма босилса тасвир кўлами катталашари, ўнг тугма босилганда эса кичиклашари. Ушбу тугмача иши унинг ўзини ёки Esc клавишини босиш орқали тўхтатилади;
<input type="text" value="70%"/>	Кўлам индикатори (фақат партитура билан ишлашда харанатга келади, агар биронта ҳам файл очилмаган бўлса, индикатор кўл ранг тус бериб туради);
	- Нота йўлига диққатни тўплаш. Ушбу тугмача босилган пайтда фақат сиз ишлаётган нота йўллари (бир қанча ёки битта нота йўли) қолади. Бошқалари эса вақтинча кўз олдинидан гойиб бўлиб, тугмачани қайта босмагунингизча экран бўшлигини сақлаб туради.
	- Партитурани кўчириш (транспорт). Кўчирилаётган чолғулар (in B кларнет, in F туба) кабиларнинг партияларидаги тоналликларларни тўғри тасвирлаш учун кўлланилади.
<input type="text" value="Full Score"/>	- Асосий партитура ва чолғулар партиялари ораликларини қайтадан улаш (биронта ҳам файл очилмаган ҳолатда элемент кўл ранг тус бериб туради);
	- Қанчалик ҳайрон қоларли бўлмасин ўшанинг ўзи, фақат, битта тугмача билан.
	- Экранга Sibelius маълумотномасини чиқариш. Балки сиз ундан дастур билан ишлаш ҳақида анча кенг ва аниқ маълумот оларсиз. Лекин, фақат инглиз тилида.


8-Слайд

Кўчувчи ойналар



Навигатор



Ижро ойнаси

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.

1.2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. – 9-сон.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

2.1. Ўзбекистонда миллий рақс ва хорография санъатини ривожлантириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 1997 йил 9 январь // Ўзбекистон Президентининг Фармонлари. 4. – Тошкент: Адолат, 2000.

2.2. Ўзбекистон Бадий академиясини ташкил этиш ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Халқ сўзи. 1997 йил 27 февраль.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533 сонли қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари

3.1. “Жаҳон адабиёти” журналининг ташкил этиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори. 1997 йил 27 февраль // Халқ сўзи. 1997 йил 1 март.

3.2. Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори. 2012 йил 26 сентябрь // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2012 йил, 39-сон.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

4.1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.

4.2. Каримов И.А. Ўзбекистон Ислон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси. Халқаро илмий-амалий конференциядаги сўзи. «Халқ сўзи», 2007 йил 15 август.

4.3. Каримов И.А. Ўзбек халқининг ислон маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг юксак эътирофи. Президент И.Каримовнинг «Туркистон – пресс» нодавлат ахборот агентлиги муҳбирига берган интервьюси. «Халқ сўзи» газ. 2007 йил 23 февраль.

4.4. Каримов И.А. Истиклол ва маънавият. – Тошкент: 1994.

4.5. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз – келажак йўқ. – Тошкент: 1998.

V. Дарсликлар, Ўқув қўлланмалар... (алифбо тартибида)

5.1. Ангеловски К. Учителя и инновации – М., 1991.

5.2. Антипов В.В., Сосновский Б.А., Психологические механизмы дезадаптации и адаптации к меняющимся социальным условиям. Психология человека в условиях социальной нестабильности – М., 1994.

5.3. Анцыферова Л.И. Психология повседневности, жизненный мир личности и техники её бытия. Психологический журнал, Т. 14, 1993.

5.6. Ангеловски К. Учителя и инновации – М., 1991.

5.7. Бердяев Н.А., Смысл творчества, философия творчества, культура и искусство – М. 1994-Т.1

5.8. Боговленский Д.Б., Творческая личность: её диагностика и поддержка. Психологическая служба ВУЗа: Принципы, опыт работа. М. 1993.

5.9. Бургин М.С., Инновации и новизна в педагогике. Советская педагогика. – 1989 - №12.

5.10. Боткин Д. и др. Инновационное обучение, микроэлектроника и интуиция перспективы. Вопросы образования – Париж 1983.

5.11. Дудченко В.С., Инновационная игра как метод исследования и развития органов. М. 1982.

5.12. Захарова Л.Н., Психологическая подготовка педагога –Нижний Новгород. 1993.

VI. Интернет сайтлари

6.1. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme www.lugat.uz, www.glossaiy.uz

6.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz

6.3. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz

6.4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: www.uz

6.5. Infocom. Uz электрон журнали: www.infocom.uz

6.6. Ziyonet

6.7. <http://www.uzbekteatr.skm.uz>